

Инсоннинг энг устувор ва муқаддас ҳуқуқларидан бири — бу тинч яшаш ҳуқуқидир.

Ислом КАРИМОВ



ИЛМ ВА ЗАКОВАТ

талабалик имкониятини қўлга киритишнинг муҳим шартидир

Абитуриент борки, тест синовларидан ўтиб, то натижалар эълон қилинганга қадар бир дунё ҳаяжон оғушида бўлади. Табиийки, ҳар бир йигит-қизнинг кўнглида талабалик имкониятини қўлга киритиш истаги ҳукмон. Аммо муайян олий таълим муассасасига мўлжалланган фанлар бўйича энг катта билим захирасини тўплаган, тинимсиз ўқиб-ўрганган, устозлари кўмагида энг қийин мавзуларни ҳам ўзлаштирган абитуриентларгина талабалик бахтига муяссар бўлиши аниқ.

Ҳар йили минглаб билимдон ва зукко фарзандларимиз тест синовларини муваффақиятли топширгач, ўзлари хоҳлаган олий ўқув юртлари талабалигига қабул қилинмоқда. 2010-2011 ўқув йилида мамлакатимиз олий ўқув юртларига қабул қилиниши режалаштирилган талабалар 1 август куни бўлиб ўтган тест синовларидан муваффақиятли ўтган абитуриентлар орасидан саралаб олинади.

(Давоми 5-бетда.)

ФАРЗАНДАЛАР КАМОЛИ — ЮРТ ИСТИҚБОЛИ

Мустақиллик йилларида муҳтарам Президентимиз раҳнамолигида ишлаб чиқилган “Таълим тўғрисида”ги, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги қонунлар асосида яратилган, жаҳон тажрибасида “Ўзбек модели” сифатида эътироф этилган, миллий анъаналарга ва илғор хорижий стандартларга асосланган малакали кадрлар тайёрлаш тизими ўзининг кенг қамровлилиги билан бугунги кунда мамлакатимизнинг ёрқин келажак-гини қуришда ҳал қилувчи роль ўйнамоқда.

Ушбу тизим, биринчи навбатда, юксак маънавиятли, ўзининг мустақил фикрига эга, замонавий билим ва технологияларни ўзлаштиришга қодир бўлган баркамол авлодни тарбиялаш масаласи мустақил Ўзбекистон сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканини яққол намоён этади.

Узлуксиз таълим тизимининг асосий бўғини — халқ таълими соҳасини ривожлантириш борасида ҳам муайян ютуқларга эришилди.

Кўзланган бундай эзгу мақсадларни амалга оширишнинг моддий асосини таъминлашга хизмат қилган 2004 — 2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури доирасида бажарилган ишлар нафақат таълим-тарбия муассасаларида за-

рур шарт-шароит яратгани, балки юртдошларимиз дунёқарашини тубдан ўзгартириб юборгани, уларнинг келажакка бўлган ишончини янада мустаҳкамлагани билан катта аҳамиятга эга.

Президентимиз ўз фаолиятининг устувор йўналиши, мақсади ҳақида тўхталиб, “Элу юртимизнинг осойишталиги, осмонимизнинг мусаффолиги, сарҳадларимизнинг бехатарлиги, бугунги кунимиздан розилик, эртанги ҳаётга ишонч, оналаримиз ва фарзандларимиз юзидаги табассум, бу — мен ўз фаолиятимда интиладиган энг олий мақсаддир. Халқимизнинг осойишталиги ва фаровонлиги мен учун ҳамма нарсадан афзал”, деб кўп такрорлайди.

(Давоми 2—3-бетларда.)

ОҚИЛОНА СИЁСАТ ТАНТАНАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг шу йил 18 июнь куни Бухоро вилоятига сафари чоғида Қирғизистонда рўй берган воқеалар муносабати билан берган баёноти ҳамон жаҳон жамоатчилигининг эътиборида турибди.

Қирғизистон онкология марказининг собиқ раҳбари, тиббиёт фанлари доктори, профессор Рисбек АБДИЛДАЕВ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга йўллаган мактубида бундай деб таъкидлаган:

«Муҳтарам Ислом Абдуганиевич, бугун барча соғлом фикрли кишиларнинг бутун диққат-эътибори Сизга қаратилган. Улар Сизнинг ғоят оғир ва қалтис вазиятда қатъият ва донолик билан оқилона иш тутганингиздан миннатдордирлар. Сиз амалда қирғизлар ва ўзбекларни, умуман, бутун Марказий Осиё минтақасини катта фожиадан сақлаб қолдингиз. Сиз жасорат билан қабиҳ ниятли террорчиларни тизгинлаб, ҳар икки қардош халқ ганимларининг режаларини фош этдингиз ва амалга ошишига йўл қўймадингиз.

Сиз, муҳтарам Президент жанобла-

ри, қирғиз ва ўзбек халқларининг миллий давлатчилигини, мустақиллиги ва келажакини ҳалокатдан қутқариб қолдингиз. Бошқалар эса ўзгача йўл тутди — баъзилар ўзини гўё ҳеч нарсани кўрмаганга солган бўлса, айримлар бекиниб олди ёки сафсатабозлик билан машғул бўлди. Шу фожиали кунларда, ўтган йилнинг эзида Иссиқкўл бўйида бўлганидек, дабдабали юбилейлар ўтказганлар ҳам бўлди.

Биз, қирғизлар ва ўзбеклар, ўзгалар ва ўзимизникиларнинг сиёсий ва бошқа иддаоларининг яна бир бор қурбонига айландик.

Муҳтарам Президент жаноблари! Қардош Ўзбекистонга тинчлик-осойишталик ва фаровонлик тилашга ижозат бергайсиз. Мен ҳам алоҳида гурур ва ифтихор билан Сизга ва Ўзбекистон халқига самимий миннатдорлик туйғуларини изҳор этаётган юртдошларимга қўшиламан».

Араб университетлари иттифоқи Бош котиби Солих ҲОШИМ Ўзбекистон раҳбариятининг Қирғизистонда рўй берган воқеаларга оқилона ва вазминлик билан ёндашганини қайд этади.

Солих Ҳошимнинг фикрича, айнан Ўзбекистон раҳбарининг қатъий позицияси бутун Марказий Осиёда хунрезлик ва тартибсизликларнинг ёйилиб кетишига йўл қўймаган мустаҳкам тўсиқ бўлди.

Араб университетлари иттифоқи Бош котибининг фикрича, Қирғизистонда содир этилган сўнги воқеалар айнан Ўзбекистон Республикаси минтақадаги энг нуфузли давлатлардан бири бўлиб, Марказий Осиёда барқарорлик, хавфсизлик ҳамда фаровонликнинг кафолати экани ҳақидаги фикрнинг тўғрилигини яна бир бор исботлади.

Миср миллий тадқиқот маркази профессори Магдий МУРСИЙ:

«Айнан Президент Ислом Каримовнинг оғир-вазмин ва оқилона позицияси туфайли можаронинг кенг ёйилиб кетишига йўл қўйилмади. Қирғизистонда кучли давлат ҳокимиятининг мавжуд эмаслиги ташқи кучларнинг Марказий Осиёда вазиятни издан чиқаришга қаратилган хатти-ҳаракатлари фаоллашувига сабаб бўлди».

(Давоми 2-бетда.)

ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

ДАРСПИКЛАР
ИЖРА
ТИЗИМИДА
ЯНГИЛИК

7-бет

Mustaqillikning
19 yilligi oldidan

ФАРҶОНА ВЕЛОҶУҒИ

8—9-бетлар

Ан Кон Сян:

ЎЗБЕКЛАР
МЕҲРЛИ
ХАЛҚ

12-бет

(Давоми. Боши 1-бетда.)

ОҚИЛОНА СИЁСАТ ТАНТАНАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Куала-Лумпур университетининг Метрополитен коллежи президенти Дато ИДРИС (Малайзия):

«Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг Қирғизистонда рўй берган воқеалар бўйича берган аниқ ва асосли баёноти Қирғизистондаги вазиятга ижобий таъсир кўрсатди, кескинликни юмшатиш ва минтақадаги вазиятни барқарорлаштиришда муҳим омил бўлди.

Бу Ўзбекистоннинг кўшни мамлакатлар билан ўзаро ишонч ва дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш тарафдори эканидан, Ўзбекистон Президентининг Қирғизистондаги воқеалар сабабларини теран англашидан далолатдир. Бу вазиятда Ўзбекистон Президентининг энг юксак таҳсинларга сазовор доно ва узоқни кўра биладиган сиёсатчи экани яна бир бор намён бўлди».

Малайзиянинг Ўзбекистон Республикасидаги собиқ элчиси Редзуан КУШАЙРИЙ:

«Миллатлараро муаммоларни ҳал этиш эҳтиросларни жиловлаб, эҳтиёткорлик ва вазминлик билан иш тутишни талаб қилади. Бундай муаммонинг барча жиҳатлари ҳисобга олинмасдан қабул қилинган қарорлар кескинликни янада кучайтириши, давлатлараро муносабатларга ва минтақавий хавфсизликни таъминлашга салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг Қирғизистон жанубида содир этилган воқеалар муносабати билан ўз вақтида берган ҳар томонлама асосли баёноти Қирғизистондаги кескинликни юмшатишга бевосита таъсир кўрсатди, Марказий Осиёда вазиятни барқарорлаштиришда муҳим омил бўлди. Ўзбекистон Президенти вазиятга тўғри баҳо берди ва бу во-

қеаларда ўзбеклар ҳам, қирғизлар ҳам айбдор эмаслигини, балки бу минтақадаги вазиятни издан чиқаришдан манфаатдор бўлган қабиҳ ниятли учинчи кучларнинг кирдикори эканини таъкидлади».

Халқаро рассомлар уюшмалари конфедерацияси Ижроия кўмитаси раиси Масут ФАТКУЛИН (Россия):

«Қирғизистон жанубида рўй берган фожиали воқеалар барчани қаттиқ ларзага солди.

Ўзбекистон раҳбариятининг қарори билан ўн минглаб қирғизистонлик қочқинларнинг Ўзбекистон ҳудудида қабул қилиниб, жойлаштирилгани — юзага келган вазиятдаги ягона тўғри қарор бўлди.

Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримовнинг Қирғизистон жанубида содир этилган воқеалар муносабати билан билдирган аниқ-равшан фикрлари ғоят тўғри ва асослидир. Ўзбекистон раҳбарининг «ўзбек ҳам, қирғиз ҳам бунга айбдор эмас. Бу четдан туриб уюштирилган, бошқарилган кўпорувчилик

ҳаракатидир. Бу кўпорувчиликни уюштирган кучларнинг нияти Ўзбекистонни ҳам бу қарма-қаршилиққа тортишдан иборат бўлган», деган сўзлари мутлақо тўғридир.

Ўзбекистон Президентининг «бугунги кунда ўзининг кадр-қиммати, гуруҳ ва ифтихорини сақлаб, ўз кучи ва қудратига ишонган, ўз меҳнати ва ақл-заковати билан ўз келажагини қуриш, ўз юртини ҳимоя қилишга қодир бўлган давлат ва жамиятнигина дунё аҳли тан олади ва ҳурмат қилади. Ўз кучига ишонган, келажаги буюк халқнинг бағри кенг бўлади. Халқимиз доимо бошқаларга бағрини очиб, ҳамдард бўлиб келган», деган сўзлари унинг донолиги ва узоқни кўра билишидан далолатдир.

Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасидаги энг барқарор давлат бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Қирғизистон жанубида рўй берган фожиали воқеалар буни яна бир бор тасдиқлади».

«Жаҳон» АА

МУСТАҚИЛЛИК — ҲУҚУҚ ВА ИМКОНИЯТ

Мустақиллигимизнинг 19 йиллигини нишонлаш арафасида турибмиз. Турган гапки, бундай вақтда бажарилган ишлар, эришилган ютуқлар сарҳисоб қилинади. Шундагина келажақ учун режалар, мақсадларни белгилаш мумкин.

Шаҳар адлия бошқармаси томонидан «Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон» шиори остида ўтказилган анжуман Президентимиз И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17 йилли-



гига бағишланган тантанали маросимда «Ўзбекистон Конституцияси — биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир», Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш — устувор мақсадимиздир» номли маърузалари ҳамда «Баркамол авлод йили» Давлат дастури мазмун-моҳиятини ҳар томонлама очиб бериш ва шарҳлашга қаратилган давра суҳбатлари, учрашувларнинг мантиқий давоми бўлиб, унда Адлия вазирлиги, ҳокимият, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи

органлар, соғлиқни сақлаш ва таълим тизими ходимлари иштирок этди.

Тадбир бошқарманинг ҳуқуқ-тарғибот ишлари бўйича масъул ходими Абдор Бердиевнинг «Ўзбекистон Конституцияси — биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир» номли маърузаси билан бошланди.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, мустақиллик, энг аввало, ҳуқуқдир. Ўтган 19 йил мобайнида биз ўз ҳуқуқларимизни, уларни ҳимоя қилишни ўргандик. Бу эса адолатли ижтимоий-демократик давлат барпо этиш йўлидаги улкан қадам-

дир. Давлатимиз томонидан яратилаётган барча шарт-шароитлар, қабул қилинаётган қонун ва қарорлар фақат бир мақсад — халқимизнинг фаровон ҳаёти учун хизмат қилади. Фуқаролар ҳам, ўз навбатида, қонунлардан хабардор бўлиши, уларни ҳурмат қилиши зарур.

— «Баркамол авлод йили»да XXI аср — интеллектуал салоҳият асри, деган қараш, айниқса, долзарб аҳамият касб этмоқда. Ёшларимизнинг маънавий етуқлик даражасини ошириш, уларда мақсадлар сари олға бориш, янги ташаббус ва ғояларни илгари суриш хусусиятларини шакллантириш учун мамлакатимизда барча имониятлар мавжуд, — деди ўз маърузаси давомида Низомий номидаги ТДПУ доценти М.Қаҳҳорова.

Давра суҳбатида қонунчилик соҳасидаги ўзгаришлар, маҳалланинг ижтимоий ҳаётдаги ролини ошириш, таълим соҳасида яратилган моддий базадан самарали фойдаланиш, хусусий бизнесни ривожлантириш каби масалаларга атрофлича тўхталиб ўтилди.

В.ҚАРШИБОВЕВА

Айни пайтда, шуни ишонч билан айтиш муҳимки, дунёнинг исталган мамлакатида ҳам улкан бахт деб ҳисобланадиган саодат — тинчлик ва фаровонликда, ёруғ ва шинам илм масканларида замоннинг илгор билимларини ўзлаштириш, касбухоналарини танлаш имконига эга бўлган фарзандларимиз тимсолида айнан шу орзу-умидлар рўёби нишонасини кўраимиз.

Негаки, ўтган давр мобайнида республикаимиздаги жами 9772та мактабнинг 8501тасида, яъни 3 млн. 12 минг ўқувчи ўрнига мўлжалланган мактабларда қурилиш-тиклаш ишлари амалга оширилди. Ушбу мақсадга 1,4 трлн. сўм миқдорида маблағ сарфланди. Умуман, мустақиллик йилларида 1559та мактаб биноси янгидан қурилди, 8213таси таъмирланди.

Айниқса, қишлоқ аҳоли пунктларида замонавий лойиҳалар асосида бунёд этилган таълим муассасалари юртимизга янгича шуқуҳ, кўрк бағишлади, чин маънода маънавият, маданият масканига айланди. Бу, ўз ўрнида, ўқувчи-ёшларни кунт билан билим олишга, ўқитувчиларни ёшларнинг ҳар томонлама баркамол авлод бўлиб вояга етиши учун сидқидилдан меҳнат қилишга рағбатлантирди. Ота-оналарда ўз фарзандининг келажақ тақдирига масъуллик ҳиссини орттирди.

Бу борада қилинган ишлар салмоғини яққол тасаввур этиш учун мактабларимизнинг замонавий ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, дарсликлар ва ўқув-услубий материаллар билан таъминланишига доир қуйидаги рақамларни келтириш kifоя: мавжуд таълим муассасалари сонига нисбатан физика лаборатория хоналари сони 7149тага, кимё лаборатория хоналари 6896тага, биология хоналари 6896тага, улардаги спорт заллари 4675тага етди.

Агар 2004 йилда республика бўйича, бор-йўғи, 1213та умумтаълим мактаби замонавий компьютер техникаси билан таъминланган бўлса, бугунги кунга келиб, бундай имкониятга эга мактаблар сони 5091тани ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда Давлат статистика кўмитаси томонидан матбуотда эълон қилинган «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилнинг биринчи ярмида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари тўғрисида»ги маълумотда маҳаллийлаштирилган экспортбоп маҳсулотлар тури умумтаълим мактаблари учун ўқув-лаборатория ускуналари ва кўргазмалар куроллар эвазига ҳам ортгани, қолаверса, уларнинг хорижий давлатларга сотилаётгани мамлакатимизда соҳа учун мустаҳкам замин юзага келганлигини англатади.

Ўқувчиларни дарсликлар билан тўлиқ таъминлаш тизими ҳам муваффақиятли йўлга қўйилди. Биргина охириги 5 йил давомида 314,3 млн. нусха дарслик ва ўқув-методик қўлланмалар чоп этилиб, таълим муассасаларига етказиб берилди. Ўқувчиларда билим олишга бўлган рағбатни кучайтириш, китобга ижобий муносабатни юзага келтириш мақсадида 1-синф ўқувчиларига ҳар йили янги дарсликлар Президент совғаси сифатида бериб борилмоқда. 2 — 4-синф дарсликлари ҳар икки йилда, 5—9-синф ўқув адабиётлари эса ҳар тўрт йилда

мунтазам янгиланмоқда. Уларнинг ота-оналар, ўқувчилар учун қулай бўлган ижара тизими асосида берилиши эса мамлакатимизда аҳоли ижтимоий муҳофазаси доимий устуворлик касб этиб келаётганининг яна бир ифодасидир.

Бундан ташқари, ўқувчи-ёшларни оммавий тарзда спорт билан шуғулланишга жалб қилиш мақсадида, бевосита Юртбошимизнинг ташаббуслари билан ташкил этилган Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан 1123та болалар спорт иншооти қурилиб, фойдаланишга топширилган бўлса, уларнинг 922таси (82 фоизи) қишлоқ жойларда барпо этилди. Шунингдек, умумтаълим мактаблари қошида 674та спорт зали қурилди. Ушбу болалар спорт жамғармасининг барчаси тегишли спорт анжомлари ва инвентарлари

кенг йўлга қўйиш, мураккаб мавзуларни ўзлаштиришда ўқувчилар билан индивидуал иш олиб бориш ҳамда амалий машғулотлар самарадорлигини ошириш режалаштирилди. Амалга оширилган мазкур ўзгаришлар жорий йилда чоп этилаётган 474 номдаги дарсликларда инobatга олинди. Умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида ўқитиладиган 18та умумтаълим фанлари бўйича ўқув дастурлари қайта ишлаб чиқилиб, улар юзасидан методик тавсиялар ва янги тақвим-мавзу режаларининг намуналари яратилди ҳамда 2010-2011 ўқув йилидан бошлаб амалиётга жорий қилиш учун таълим муассасаларига етказилди.

Бугунги кунда тараққиётнинг жадал суръатлари, жаҳон илм-фанидаги оламшумул янгиликлар ўқитувчиларимизнинг мунтазам равишда ўз

гани таъминлайди. Авваллари ўқувчига объект сифатида ёндашилган бўлса, эндиликда унга таълим жараёнининг фаол иштирокчиси бўлган субъект сифатида муносабат билдирилмоқда. Натижада ёшларда мустақил фаолият юритиш, фикрлаш ҳамда ўзини ўзи ривожлантириб бориш кўникмалари шаклланимоқда. Ўз ўрнида, уларнинг ушбу интилишларини муносиб рағбатлантириб бориш, фаоллиги даражасини холис ва энг асосийси, адолатли баҳолаш катта таъсир кучига эга.

Шу муносабат билан вазирлик мутахассислари томонидан дунёнинг ривожланган давлатлари тажрибалари ўрганилган ҳолда, ўқувчилар билимини баҳолашнинг янги, ўзига хос, самарали механизми, яъни такомиллаштирилган рейтинг тизими ишлаб чиқилди. Ушбу тизим Халқ таълими вазирлиги ва

Ta'lim va islohot

моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009—2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастурига мувофиқ, 2009 йили 6та болалар мусиқа ва санъат мактаби алоҳида лойиҳа асосида капитал реконструкция қилиниб, замонавий жиҳозлар билан таъминланди. Жорий йилда 14та болалар мусиқа ва санъат мактаби бинолари янгидан қурилаётган бўлса, 32тасида капитал реконструкция ишлари олиб борилмоқда. 2014 йилгача Дастур доирасида жами 278 та болалар мусиқа ва санъат мактабининг замонавий кўриниш ҳамда дизайнда барпо этилиши белгиланган. Шу орқали ёшларимизнинг миллий ва жаҳон мусиқаси, тасвирий санъатининг юксак намуналаридан кенг баҳраманд бўлиши учун зарур шароитлар яратиш, бошланғич муסיкий таълим тизимини такомиллаштириш, болалар мусиқа ва санъат мактабларини ҳар томонлама ривожлантириш, яъни уларнинг моддий-техник базасини яхшилаш ҳамда педагоглар билан таъминлаш масалалари тўлиқ ҳал этилади.

Айни кунларда республикамиздаги барча халқ таълими ходимлари, таълим муассасалари энг улуг, энг азиз байрам — Мустақиллигимизнинг 19 йиллигини юксак муваффақиятлар билан нишонлаш, янги 2010-2011 ўқув йилини кўтаринки кайфиятда ҳамда ўзгача бир ғайрат билан бошлашга тайёргарлик кўришмоқда.

Бу йил жами 9772та умумтаълим мактабда 4 681 457 нафар ўқувчи мактаб таълимини давом эттиради. Шулардан 474 900 нафарга яқин болажонларимиз таълим даргоҳининг қутлуғ оstonасига илк бор қадам қўяди. Анъанага кўра, уларга оталарча меҳрибонликнинг, юксак эътиборнинг рамзи сифатида муҳтарам Президентимизнинг махсус совғалари улашилади. Баркамолликка элтувчи йўлнинг масъулиятли босқичи олдида турган болаларимизга ўзига хос бир рағбат, эзгуликка даъват бўлиб хизмат қилаётган ушбу 12 номдаги ўқув қуролларидан иборат совғалар ҳамда барча дарсликлар тахт қилиб қўйилди.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 12 июлдаги "2010-2011 ўқув йилига тайёргарлик кўриш учун мактаб бозорлари ва ярмаркалари ўтказишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида ўқувчиларни сифатли ва миллий маънавиятимизга мос ўқув қуроллари, анжомлари, мактаб кийими ва пойабзали ҳамда дарслик ва адабиётлар билан таъминлаш мақсадида, бевосита жойлардаги 1300 га яқин умумтаълим муассасаларида мактаб ярмаркалари ташкил этилмоқда.

Хулоса қилиб айтиладиган бўлса, таълим-тарбия тизимини сифат ҳамда самарадорлик жиҳатидан бутунлай янги босқичга кўтариш бугунги кунда олдимизда турган энг устувор вазифамиздир. Бу йўлда давлатимизнинг юксак ишончини оқлаш учун халқ таълими тизимида хизмат қилаётган ҳар бир ходим, ҳар бир устоз Ватанимиз истиқболи ва келажаги учун юксак масъулият ва фидойилик билан меҳнат қилади.

Авазжон МАРАҲИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири
(«Халқ сўзи» газетасининг 2010 йил 3 август сонидан олинди.)

ФАРЗАНДЛАР КАМОЛИ — ЮРТ ИСТИҚБОЛИ

билан таъминланганлиги эса, бугунги кунда уларда жами 2,22 млн. ўқувчи-ёшларнинг спортнинг 23 тури бўйича мунтазам шуғулланишига имконият яратмоқда.

Дарҳақиқат, таълим муассасаларидаги бундай мустаҳкам моддий-техник база, зарур шарт-шароитлар ўқувчилар билимини ошириш, маънавиятини юксалтириш ҳамда уларнинг жамиятда ўз муносиб ўрнини эгаллашларида муҳим роль ўйнайди. Аммо ушбу жиҳозлардан ўз ўрнида ва самарали фойдаланишда ўқитувчи шахси омили етакчи ўрин тутгани ҳам таъкидлаш жоиз. Шуни эътиборга олган ҳолда, педагог кадрлар салоҳиятини ошириш, уларнинг бевосита таълим-тарбия билан шуғулланиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида ҳам бир қатор янгиликларни жорий этиш устида иш олиб борилмоқда. Жумладан, «Баркамол авлод йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида ўқитиладиган умумтаълим фанларининг мазмунан узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш учун тажрибали ўқитувчилар, етакчи олим, методист ва мутахассислардан иборат 31 ишчи гуруҳи тузилди. Ишчи гуруҳлари томонидан Давлат таълим стандартлари, уларга берилган шарҳлар, ўқув дастурлари ва дарсликлар ўқувчиларнинг ёш ва психофизиологик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, тўлиқ тахлил қилинди. Натижада умумий ўрта таълим ўқув дастурларидаги жами 813 соат ҳажмдаги мавзулар оптималлаштирилди. Шундан 247 соат ҳажмдаги мавзулар умумий ўрта таълим ўқув дастурларидан ўрта махсус, касб-хунар таълимига, 327 соат ҳажмдаги мавзулар эса умумий ўрта таълимнинг ўзида тегишли равишда синфдан-синфга ўтказилди. Амалдаги ўқув дастурларидаги 239 соат ҳажмдаги мавзулар такрорланганлиги учун қисқартирилди. Мақбуллаштирилган соатлар ҳисобига таълим муассасаларида маънавий-маърифий, мактабдан, синфдан ташқари ишларни

билим, тажриба ва малакаларини ошириб боришини тақозо этмоқда. Шуни назарда тутган ҳолда, ушбу жараёنни жойларда доимий тарзда ташкил этиш мақсадида тизимдаги педагогика ҳамда қайта тайёрлаш ва малака ошириш институтлари қошидаги 168 кафедранинг 1347 нафар профессор-ўқитувчиси 529та умумий ўрта таълим мактабига бириктирилиб, умумтаълим мактаблари билан олий ўқув юртлари ўртасида ҳамкорлик дастурлари тузилди.

Шунингдек, Халқ таълими вазирлиги томонидан жойлардаги 15та педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтларида олиб бориладиган амалдаги малака ошириш тизимидан ташқари, қўшимча равишда мунтазам фаолият юритадиган «Устоз — шоғирд мактаби» тизими яратилди. Унга дарсларни бугунги талаблар даражасида ташкил этишга, доимий изланиш ва янгилик яратишга қодир бўлган фан ўқитувчилари жалб этилиб, уларнинг ҳар бирига ўз мактаби ва ёндош мактаблардан шоғирд-ўқитувчи бириктирилди. Бугунги кунда республикамиздаги 200та туман, шаҳарлардаги 2241 мактабда 18та умумтаълим фанлари бўйича 3600 нафар тажрибали устоз-ўқитувчилар 12000 нафар шоғирд-ўқитувчилар билан ҳамкорликни йўлга қўйишди. Халқ таълими тизимида ўзига хос янгилик сифатида жорий этилаётган ушбу усул самарадорлигини таъминлаш мақсадида «Истеъдод» жамғармасида ташкил этилган «Янги педагогик технологиялар» махсус курсида Тошкент шаҳридан 205 нафар ҳамда барча ҳудудларда айнан ушбу йўналишда ўқувларни олиб борадиган 26 нафар ўқитувчи-тренер тайёрланди. Бугунги кунда мазкур ўқувлар жойларда давом эттирилмоқда.

Мамлакатимизда таълим-тарбия соҳасининг инсонпарварлиги, билим бериш баробарида, ўқувчининг маънавий оламини, ахлоқий сифатларини шакллантиришга эътибор қаратилиши ҳам унинг ўзига хосли-

Давлат тест марказининг қўшма қарори билан тасдиқланди ҳамда Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилиб, амалиётга жорий этилди.

Ахборот-коммуникация технологиялари жадал суръатлар билан ривожланаётган бугунги кунда таълим жараёни ҳам доимий янгилаш ва такомиллашиб бораверади. Олдимизда турган энг устувор вазифалардан бири ҳам таълим муассасаларида илгор педагогик ва ахборот технологияларидан унумли фойдаланишни ташкил этишдан иборат.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, тезкор ахборот алмашиш тизимини яратиш, барча мактабларни ягона таълим порталига бирлаштириш мақсадида, Ҳамдўстлик Давлатлари ўртасида биринчилардан бўлиб Ўзбекистонда Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази ташкил этилган. Марказ томонидан бугунги кунда замонавий электрон дарсликлар ва мультимедиа воситаларини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий этиш йўлга қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 июндаги «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорининг ижросини таъминлаш асносида тизимдаги таълим муассасаларида жами 1150та ахборот-ресурс маркази ташкил этилди, уларнинг барчаси тегишли адабиётлар, компьютер, мультимедиа воситалари, мебеллар билан таъминланди.

Таълим муассасалари бугунги кунда нафақат ёшларга билим бериладиган маскан, балки ўша ҳудуддаги маданият, маънавият ҳамда маърифат ўчоғи ҳам ҳисобланади. Президентимиз ташаббуслари билан фарзандларимиз истеъдодини ҳар томонлама камол топтириш ва маданий савиясини юксалтириш, уларга санъат орқали миллий қадриятларимизни ўргатиш ҳамда уни умуминсоний қадриятлар билан уйғунлаштириш мақсадида қабул қилинган Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг

✓ **ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА ЎЗ ВАҚТИДА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ, УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ, АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАР ВА КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИНИ МАКТАБ АНЖОМЛАРИ, ЎҚУВ-МЕТОДИК КЎЛЛАНМАЛАР, МАКТАБ КИЙИМИ ВА ПОЙАФЗАЛИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МАҚСАДИДА САМАРҚАНД ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ, ШАҲАР САВДО ДЕПАРТАМЕНТИ, ШАҲАР ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БЎЛИМИ ТОМОНИДАН ШАҲАРНИНГ БИР НЕЧА ХУДУДЛАРИДА МАКТАБ БОЗОРЛАРИ ВА ЯРМАРКАЛАРИ ИШ БОШЛАДИ.**

— Ушбу мактаб бозори ва ярмаркаларида 27 турдаги маҳсулотлар — ўқув куроллари, дарсликлар, мактаб кийими ва пойабзаллар сотуви йўлга қўйилди, — дейди “Ўзкитобсавдо” МЧЖ раиси Толиб Раҳимов. — Бугунги кунгача бизда ўқувчилар учун 16 турдаги дарсликлар ва турли ўқув куроллари сотилар эди. Ота-оналар фарзандлари учун мактаб кийим-кечаклари ва пойабзалларини ёнимиздаги “Болалар дунёси”, “Баҳор” МЧЖ савдо нуқталаридан олиши мумкин.

Мактаб бозорлари ва ярмаркалари шаҳарнинг 13та худуди — “Шодиёна” савдо

мажмуаси, “Korzinka”, “Registon”, “Turkuaz” супермаркетларида, “Ўзкитобсавдо”, “Баҳор”, “Болалар дунёси” МЧЖларда, Фарход, Кимёгарлар кўрғонида ҳамда 20, 28, 36, 65-умумтаълим мактабларида ташкил этилмоқда.

Маҳсулотлар аҳоли учун қулай ва арзон нархларда бўлиб, пластик карточкалар орқали ҳам савдо амалга оширилади. Мактаб ярмаркаси шу йилнинг 10 сентябрга гача давом этади.

Ҳаким ЖЎРАЕВ,
«Ma'rifat» мухбири

✓ **ҲОЗИРГИ КУНДА ЁШ АВЛОДНИ БАРКАМОЛ ҚИЛИБ ТАРБИЯЛАШ МАҚСАДИДА ҚАТОР ИСЛОҲОТЛАР АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАНИ ҲЕЧ КИМГА СИР ЭМАС. УЛАРНИНГ НАФАҚАТ БИЛИМЛИ, БАЛКИ ХУНАРЛИ БЎЛИШИ УЧУН ҲАМ БАРЧА ШАРОИТЛАР ЕТАРЛИ.**

Жумладан, «Камолот» ЁИХ Китоб тумани бўлими қошида «Ёш тикувчилар» тўрагининг фаолияти йўлга қўйилгани бунинг ёрқин мисолидир. Тўгарақда 7 ёшдан 25 ёшгача бўлган қизлар тикувчилик хунарини эгаллашмоқда. Тикувчилик хонасига ташриф буюрарканмиз, эътиборимизни моҳирлик билан тикилган либослар, бежирим тўқилган бисерлар, хунарни меҳр билан эгаллаётган қиз-жувонлар тортади.

— Шогирдларим ҳаракатчан. Улардаги яратувчанлик гоёлари мени илҳомлантиради. Қизларнинг орасида иқтидорлилари талайгина. Ўз ишига сабр-тоқат, масъулият билан ёндашаётган зукко, зийрак қизлар тўгарақда ўрганган билимларини вилоятда ўтказилаётган танловларда синаб кўриб, фахрли ўринларни қўлга киритишаётир, — деди тўгарақ раҳбари Дилобар Саидова.

Тиниб-тинчимас чевар қизлар келажақда ўз ишининг моҳири бўлишни ният қилишган.

Зилола ХУДОЙБЕРДИЕВА,
ЎзДЖТУ талабаси

✓ **НАВОЙИ ВИЛОЯТИ ҚИЗИЛТЕПА ТУМАНИДАГИ 14-УМУМТАЪЛИМ МАКТАБИ “МАКТАБ ТАЪЛИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ УМУММИЛЛИЙ ДАСТУРИ” АСОСИДА ЖОРИЙ ТАЪМИРЛАНИБ, БАРЧА ҚУЛАЙЛИКЛАРГА ЭГА БЎЛГАН БИЛИМ МАСКАНИГА АЙЛАНДИ.**

— Айни пайтда мактабда 440 нафарга яқин ўқувчига 46 нафардан зиёд ўқитувчи таълим-тарбия бераёпти, — дейди мактаб раҳбари София Раҳмонова — 2009-2010 ўқув йилида республика миқёсида ўтказилган “Иншо-лар танлови”да 9-синф ўқувчиси Гулсара Болтаева ва Конституциянинг 17 йиллигига бағишланган “Бахтимиз қомуси” танловининг вилоят босқичида 7-синф ўқувчиси Меҳринисо Мухторова 1-ўринни эгаллади. Шу йилги фан олимпиадаларининг вилоят босқичида физика фанидан Шахло Боқиева, она тили ва адабиётдан Шамсия Жабборовна фахрли ўринларни эгаллашди.

С.Раҳмонованинг таъкидлашича, Осиё Тараққиёт Банкининг 4 000 АҚШ долларлик гранти асосида мактаб-

га 5та тикув машинаси, компьютер, телевизор, мусиқа асбоблари ва спорт анжомлари келтирилган. Замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган кутубхона, фаоллар зали, спорт заллари, тўгарақ хоналарининг барчаси ўқувчилар ихтиёрида.

Мактабда ободонлаштириш ва кўк-ламзорлаштириш ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. 400 тупдан зиёд атиргул, 120 туп ўрик, 30 туп ҳар хил навли гилос, 20 туп олма, 20 туп бодом, 10 туп анор, 20та арча ва 500 дан ортиқ терак дарахтлари бўй чўзиб турган мактаб боғи атрофга кўрк бериш баробарида, бюджетдан ташқари кўшимча даромад манбаи ҳамдир. Бу даромад мактабнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва иқтидорли ўқувчиларни рағбатлантиришга сарфланмоқда.

Азима ҚИЁСОВА,
“Туркистон-пресс”

✓ **ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ, ПРОКУРАТУРА, ЎЗ-ЎЗИНИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ ВА БОШҚА ХУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН РЕСПУБЛИКАНИНГ БАРЧА МАҲАЛЛА ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНЛАРИ, ОВУЛЛАРИ РАИСЛАРИ ЎРТАСИДА ЎҚУВ-СЕМИНАРЛАР ТАШКИЛ ЭТИЛЯПТИ.**

— Семинардан муҳим маълумотларни олдим, — дейди Мўйноқ тумани 1-маҳалла фуқаролар йиғини раиси Бибисара Туримбетова. — Унда фуқаролардан тушадиган кўплаб саволларга масалан, паспорт тизими, фуқароларни қабул қилиш, янги чиққан низомлар билан уларни таништириш бўйича янгиликлардан бохабар бўлдим.

— Семинар давомидаги асосий вазифамиз маҳалла фаоллари, раисларини бугунги ижтимоий-сиёсий ҳаётдан кенгроқ хабардор қилиш, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ва уларга фуқаролар билан ишлашда ҳуқуқий томондан кўмаклашишдир, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бўлими бошлиғи, майор Абдулла Йўлдошев. — Бундай тadbirlar биз учун ҳам, маҳалла раислари ва фуқаролар учун ҳам катта аҳамият касб этади.

Семинар давомида ибратли иш услубига эга бўлган маҳаллаларнинг фаолияти ўрганилиб, бошқаларга тақдим этилди. Tadbir сўнггида вазирлик томонидан чегара худудларида хизмат қилаётган профилактика инспекторларига “Урал” русумли мотоцикллар топширилди.

Наргиза АСАДОВА,
“Туркистон-пресс”

Маҳаллий давлат ҳокимияти, назорат қилувчи ва лицензия берувчи органлар томонидан тadbirkorлик субъектларига рухсатномалар бериши, тadbirkorлик фаолиятини ташкил этиш, қурилишга рухсат бериш, кадастр орқали расмийлаштириш ва бинолар ижараси учун тўлов миқдорини белгилашда қонун бузилиши, бюрократик тўсқинликлар ва сансалорликларга йўл қўйилган тақдирда

Сиз — тadbirkorлар ўз ҳуқуқларингизни ҳимоя қилиш учун

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоят прокуратураларининг куйидаги «Ишонч телефони» рақамларига ёки «007» қисқа рақамига қўнғироқ қилишингиз мумкин

№	Прокуратура органлари	Ишонч телефонлари	
1.	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси	Код: 8371	232-43-91 232-45-40
2.	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖДЛҚК Департаменти	Код: 8371	233-84-20
3.	Андижон вилоят прокуратураси	Код: 8374	224-06-09
4.	Бухоро вилоят прокуратураси	Код: 8365	223-74-79
5.	Жиззах вилоят прокуратураси	Код: 8372	226-09-62
6.	Қашқадарё вилоят прокуратураси	Код: 8375	221-07-82
7.	Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси	Код: 8361	222-26-39
8.	Навоий вилоят прокуратураси	Код: 8436	225-07-17
9.	Наманган вилоят прокуратураси	Код: 8369	226-23-02
10.	Самарқанд вилоят прокуратураси	Код: 8366	235-07-34
11.	Сирдарё вилоят прокуратураси	Код: 8367	223-38-22
12.	Сурхондарё вилоят прокуратураси	Код: 8376	223-20-36
13.	Тошкент шаҳар прокуратураси	Код: 8371	273-74-81
14.	Тошкент вилоят прокуратураси	Код: 8371	277-76-18
15.	Фарғона вилоят прокуратураси	Код: 8373	224-04-80
16.	Хоразм вилоят прокуратураси	Код: 8362	227-45-71

Бундан ташқари барча туман-шаҳар прокуратураларида ишонч телефонлари, фуқароларнинг кундалик қабули навбатчилик асосида тўхтовсиз ташкил этилган.

Сизнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларингиз тезкорлик билан ҳимоя қилиниши таъминланади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ

БАДИИЙ ЖАМОАЛАР ТАНЛОВИ

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 19 йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан жойларда “Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон” ғоясини ўзида мужассам этган ташкилий, маънавий-маърифий, тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Махсус дастурга мувофиқ турли танловлар, учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилаётир.

Нукусда Сапар Хўжаниёзов номидаги ёш томошабинлар театрида “Баркамол авлод йили” Давлат дастури доирасида истиқлол байрамига бағишланган кўрик-танлов бўлиб ўтди. Мазкур тadbirdan асосий мақсад иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, мустақиллигимизнинг 19 йиллик байрамига бағишланган асосий тadbirlarda иштирок этадиган бadiий жамоаларни аниқлашдан иборат.

Кўрик-танловда барча шаҳар ва туман маданият ва спорт ишлари бўлиmlарининг бadiий ҳаваскорлик ҳамда болалар, эстрада ва фольклор жамоалари иштирок этди. Улар ижросида она Ватан, истиқлол, ёшлиқни тараннум этувчи қўшиқлар янгради.

Tadbirda, айниқса, болалар бadiий жамоалари ижросидаги қўшиқлар кўпчилигининг диққатини тортди. Жойлардаги фольклор дасталарининг янги қўшиқлари танлаб олинди. Энг яхши, деб топилган қўшиқлар катта байрам дастурига киритилади.

А.ОРТИҚБОВ,
ЎзА мухбири

ИЛМ ВА ЗАКОВАТ

талабалик имкониятини қўлга киритишнинг муҳим шартидир

(Давоми. Боши 1-бетда.)

...ЎТГАН ЙИЛГИДАН 2 МИНГ НАФАР ЗИЁД

Илк маълумот ўрнида: Тошкент ахборот технологиялари қабул комиссияси масъул котиби Собир Юсупов келтирган маълумотларга қараганда, ана шу даргоҳда ўқиш истагини билдирган ёшлар 8370 нафар бўлиб, энг кўп ариза ахборот технологиялари йўналишига тушган — 1,5 мингта. Мобиль алоқа тизимлари, иқтисод ва менежмент йўналишларидаги умумий тақсимот бир ўринга ўн даъвогар кураш олиб бораётганини кўрсатади. Абитуриентларнинг умумий сони ўтган йилгига нисбатан 2 минг нафар кўпдир.

1 август куни илм эгаллашга чанқок, ўз тақдирини ўзи белгилаган университет абитуриентлари белгиланган жойларга етиб келиб, катта синовдан ўтди. Уларга 255та аудитория хизмат қилди, 765 киши давлат аҳамиятига молик бу жараённинг олиб борилиши учун масъул қилиб тайинланди. Ахборот технологиялари, телекоммуникация, иқтисодиёт ва менежмент, махсус сиртки бўлим йўналишларида тест синовлари университет биносида ўтказилган бўлса, қолган факультетлар учун Юнусобод туманидаги 9та умумтаълим мактаби танланди.

Хусусан, радиотехника йўналишига ариза топширган абитуриентларнинг барчаси якшанба куни эрта тонгданок Юнусобод туманидаги 235-умумтаълим мактабига кела бошладилар. Ҳар бир абитуриент — бир олам. Уларни муштарак қилиб турган бир жиҳат— талаба бўлиш истаги. Қўлида паспорт ва ДТМ варақаси бўлган ҳар бир абитуриент ички ишлар бўлими ходимлари томонидан текширилиб, ичкарига киритилгач, тест синовлари бошланди.

Ўзбек гуруҳи учун 50 ўринга 280, рус гуруҳи учун 25 ўринга 98 нафар даъвогарнинг кураши қизгин кечганига шубҳа йўқ.

Ичкарида ҳаяжон. Ҳар бир абитуриентнинг нигоҳида савол яширин: натижа қандай бўлар экан, талабалик бахтини қўлга кирита оламанми? Билим даражаси, дунёқарashi, ўй-фикрлари билан биридан фарқланувчи ёшларга аудитория бошлиғи, назоратчиси бошчилигида тест топшириқлари тарқатилганини ташқарида қолган ота-оналар, устоз-мураббийлар ҳам ҳис қилиб туришарди. Шу боис, улардаги ҳаяжон ўн карра зиёд.

Соат 12дан ошди. Абитуриентлар бирин-кетин ташқарига чиқиб кела бошлади. Бири бардам, бири ҳорғин йигит-қизларнинг кайфиятига қараб, улар ҳақидаги тасаввурингиз ойдинлашади. Истараси иссиққина Мадина исмли қизнинг шашти пастроқ, у онаси Махфуза Саидвалиева сари одимлайди.

— Қалай бўлди, қизим?

— Эй, қийин саволлар тушди...

Билганимча белгиландим.

— Рухингни туширма, ҳали натижанг маълум эмас, — деб далда беради онаси.

БИЛИМДОНЛАР ТАЛАБАЛИК ШОҲСУПАСИГА КЎТАРИЛИШАДИ

Тошкент архитектура-қурилиш институти эрта тонгданок абитуриентлар, ота-оналар, устоз-мураббийлару, илмга чанқок ёшлар билан тўлди. Ойлар давомида кутилган кун ҳамма учун ҳаяжонли кечиши табиий, бироқ қўлларига Давлат тест маркази рухсатномасини кўтариб, имтиҳонга киришга шай бўлиб турган

ёшларнинг хатти-ҳаракатини кузатиб, киши улардаги шижоат, мақсад сари дадил интилишни илғаб олиши мумкин.

Ана шундай ёшлардан бири тошкентлик Адҳамжон Турсунов мазкур институтнинг "Уй-жой, коммунал ва маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари бўйича сервис" таълим йўналишини танлабди. Келажакда у уй-жойларга хизмат кўрсатиш ширкатига ишлашни мўлжаллаётган экан.

Абитуриент Шерзод Фуломов эса институтда таҳсил олиб бўлгач, шаҳар ободон-

новларида иштирок этмоқда. Айниқса, абитуриентлар ўртасида архитектура, дизайн, менежмент, бинолар ва иншоотлар қурилиши ва боу йил янги очилган "Қишлоқ аҳоли пунктларини ташкил этиш"

таълим йўналишларига қизиқиш кучли.

Ниҳоят тест синовлари тугаб, абитуриентлар имтиҳон хоналаридан чиқиб келишди. Улардан бирини суҳбатга чорлаймиз.

— Тест топшириқларини ечиш бироз қийин бўлди, шундай онларда математика, она тили ва адабиёт фанларидан қўшимча дарсларга қатнаганим қўл келди. Қолаверса, қалам-таъсир ва чизмачилик бўйича топширган ижодий имтиҳондан ҳам яхши баҳо олган эдим, — деди сирдарёлик абитуриент Улуғбек Очилов кувончини яшира олмай.

Шу куни Улуғбек сингари ўзига ишониб чиқаётган абитуриентлар бир талай эди. Энди улар орзиқиб кун санаб, тест синовлари натижасини кутадилар. Ана шундай зукко ва билимдон йигит-қизларга талабалик бахти насиб этсин.

ТАЛАБАЛИККА АБИТУРИЕНТЛИК ДАВРИ ПОЙДЕВОР ЯРАТАДИ

Кираверишда уч дугона ҳаяжондан юзлари ловуллаб, терга тушиб кетишган. Сал нарироқда икки йигитнинг суҳбати қулоққа чалинади:

— Саволлар қийинмасмикан, қандай топшириб чиқамиз? Омадим келармикан, нима дейсан?

— Э-эй, дўстим, сен-ку, биринчи йили уринаясан. Мен ўтган йили ҳам топшириб, омадим келмаган. Бу йил ҳам кира олмасам...

Ниҳоят, масъул ходимлар абитуриентларни бирма-бир текширувдан ўтказиб, паспортларини кўриб, ичкарига кирита бошладди.



Abituriyent — 2010



лаштириш ва кўкаламзорлаштириш тизимини янада яхшилаш мақсадини кўзлаётганини айтди.

— Тошкент туманидаги 9-мактабни битириб, Собир Раҳимов туманидаги хизмат кўрсатиш ва сервис касб-хунар коллежиде ўқидим, — деди у. — «Йигит кишига қирқ хунар оз» деганларидек, касб-хунар эгаллаш ва билим олишда давом этаяпман. Институтнинг "Шаҳар қурилиши ва хўжалиги" йўналиши бўйича таълим олиш ниятидаман. Асосийси, менга устозларим Улуғбек Ўрмонов, Муҳаббат Мадаминова, Мукаррам Азимова ва яқинларим ишонч билдиришмоқда.

ТАҚИда абитуриентларни гуруҳларга бўлган ҳолда имтиҳон олинадиган биноларга киритиш уюшқоқлик билан ташкил этилди.

— Бу йил институт бакалаврият таълим йўналишларига 795 нафар талаба қабул қилинади, — дейди ўқув даргоҳи қабул комиссияси масъул котиби Шўхрат Рейимбоев. — Мазкур ўринларга 3310 нафар абитуриент даъвогарлик қилиб, тест си-

....Бу ҳолатлар абитуриентлик даврини бошидан ўтказган ҳар бир кишига таниш, ортда қолган йиллар ёдингизга тушди, шундай эмасми? Юқорида таърифни келтирган «манзара» Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ҳовлисида кузатилди. Ўша куни университет биносига «оқиб» кираётган ёшларнинг саногига етиш қийин эди. Улар бўлғуси математиклар, физиклар, ҳуқуқ, тарих, чет тиллари, она тили ва адабиёти каби фанлардан ўқитувчи бўлиб етишишни орзу қилаётган ёшлар. Университетда илм олиш истагида бўлган абитуриентлар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бу йилги аризалар сони 18 200тадан ошди.

Тест синовларини топшираётган абитуриентларнинг барчаси жиддий тайёргарлик кўргани, шубҳасиз. Бироқ инсон феъл-атвори турлича бўлади, яъни, айрим абитуриентлар ўз билим ва тафаккурига таяниб, ишонч билан шахдам қадам ташласа, яна айримлари бу каби катта аҳамиятга эга «ҳаёт-мамот масаласи» олдида тургани боис, ҳар қанда пухта тайёргарлик кўрмасин, барибир кучли кўрқув ва ҳаяжон «исканжаси»дан чиқа олмайди.


Тест синовларидан ҳозиргина чиқиб келган абитуриент ким бўлди? Унга яқинлашамиз.

— Саволлар анча мураккаб туюлди. Устозларим берган билимга, йиллар давомида улардан олган илмимга ишонган ҳолда жавоб варақаларини тўлдирдим. Мен физика факультетиде таҳсил олиш ниятидаман, — деди абитуриент Абдурахим Кўшмуродов.

Талабалик — инсон ҳаётида катта бурилиш ясайдиган бир бўғин, бунга абитуриентлик даври пойдевор яратишини ука-сингилларимиз яхши англайди.

Хулкар ТҶИМАНОВА,
Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ,
Хулкар ФАРМОН қизи,
Санобар ЖУМАНОВА,
«Ma'rifat» мухбирлари

Б.РИЗОКУЛОВ ва
В.ГРАНКИН олган суратлар.



ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИ

Бир мутафаккир шундай деган экан: бу дунёда тўртта нарсани орқага қайтариб бўлмайди. Булар — ўтган умр, айтилган сўз, отилган ўқ ва босилган қадам. Бу ўринда донишманд ўтган умрга, ортда қолган ишларга ачинишнинг фойдаси йўқлигини назарда тутган бўлса, ажабмас. Бу фикрдан яна шунга аниқлаш мумкин, босилган қадам, ўтган умрдан керакли хулосаларни ҳам ясаб, неки камчиликлар ўтган бўлса, уларни келажакда такорлаш керак.

Йўлда кетаётган оддий йўловчи ҳам ортига бир назар ташлаб, босган қадамларнинг салмоғини кўрмоқни истайди. Хар бир ишнинг интиҳосида таҳлил ва хулосалар қилиш — ундаги ютуқ, камчилик ва хатоларни яққол кўришга ёрдам беради.

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмасининг қурултойи ҳам беш йиллик фаолиятга бир назар ташлаш, ундаги эришилган ютуқларни эътироф этиб, камчилик ва хатоларни таҳлил қилиш ҳамда келажакда истиқболли режаларни белгилаш каби мақсадларда ўтказилади. Жорий

йилнинг 12 август куни бўлиб ўтадиган IV қурултойи олдиндан тайёрларлик ишлари, унда кўриб чиқиладиган долзарб масалалар ҳақида кенгроқ ташаббуслар ва маълумотга эга бўлиш мақсадида Марказий кенгаш мутахассисларига мурожаат қилдик.

— Уюшманинг таркибий тузилмасини такомиллаштириш борасида ўтган беш йил мобайнида кўп янгиликлар бўлди, самарали ишлар амалга оширилди. Энг асосийларини санаб ўтадиган бўлсак, туман(шаҳар) ҳудудий вакилликлари ўрнига бирлашган касаба уюшма кўмиталари тузилди. Шунингдек, ҳар бир вилоятда Ўрта махсус, касб-хунар таълими Бирлашган касаба уюшма кўмиталари ташкил этилди, — деди Марказий кен-

гаш раиси ўринбосари Муроджон Шарифжонов.

Маълумот ўрнида айтиб ўтиш керакки, бугунги кунда Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси аъзолари сони 2 220 000 нафарни ташкил этади. Қурултой мазкур уюшманинг энг

— Қурултойга қадар куйи органлардан юқори органларга қараб, ҳисобот-сайлов конференциялари ўтказилди. Яъни, дастлаб бошланғич касаба уюшма ташкилотларида, сўнгга уюшманинг туман, шаҳар, ундан кейин эса вилоят кенгашларида босқичма-босқич амалга оширилди, — дейди Марказий кенгашнинг бош мутахассиси Маҳмуд Мурзаева. — Ўтказилган ҳисобот-сайлов йиғилишлари кун тартибларида умумтаълим мактаб касаба уюшма ташкилоти ёки таълим ва фан ходимлари туман(шаҳар) бирлашган касаба уюшма кўмитасининг маълум муддат давомидаги фаолияти ҳақида ҳисобот, касаба уюшмаси кўмитаси таркибига сайлов, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси туман(шаҳар)

ташкilotи конференциясига ҳамда қурултойга делегатларни сайлаш каби масалалар кўриб чиқилди. Шунингдек, ушбу ҳисобот-сайлов конференцияларида Устав бўйича таклиф-мулоҳазалар ҳам қабул қилиниб, ўрганилиб, қурултойнинг кун тартибига қўйилди. Шунга айтиш керакки, ташкилот ва кенгашларга етакчиларни сайлашда уларнинг ёши, салоҳияти, билими ва ташаббускорлиги эътиборга олинди, аёлларни кўпроқ жалб этишга ҳаракат қилдик.

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси IV қурултойининг кун тартибида Марказий кенгаш ҳамда тафтиш комиссиясининг 2005—2010 йиллардаги фаолияти таҳлили, Уставга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, Марказий кенгашнинг янги таркибини сайлаш, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси V қурултойига делегатлар сайлаш ҳамда Федерация кенгаши таркибига вакиллар сайлаш масалалари кўриб чиқилади.

Соҳиба МУЛЛАЕВА,
«Ma'rifat» мухбири

Kasaba uyushmalari faoliyatidan

сўнги ва муҳим сайлов босқичи бўлиб, ҳар беш йилда бир марта ўтказилади. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари, Ўзбекистон Фанлар академияси бирлашган касаба уюшмалари, 200та туман(шаҳар) касаба уюшма кўмиталари ҳамда Ўрта махсус, касб-хунар таълими бирлашган кўмиталаридан делегатлар иштирок этишади.

БОЛА ШАХСИГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ТАЪЛИМ

Ўқув-семинарнинг асосий мавзуси бўлди

Тарбияда таътил бўлмайди, дейдилар. Мактабгача муассасалар ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш республика ўқув-методика марказининг мактабгача таълим тизими ходимларининг аънавий Август кенгаши олдиндан ўтказилган ўқув-семинарида иштирок этиб, бу гапнинг нақадар топиб айтилганига яна бир бор амин бўлди.

Республикамизнинг барча вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳридан вакил сифатида ташриф буюрган мактабгача таълим муассасалари услубчилари, раҳбарлари ва тарбиячилар, мусиқа раҳбарлари ҳамда ҳамширалар тренинг машғулотлари кўтаринки руҳда, қизиқарли ўтди.

"Бола шахсига йўналтирилган таълим" мавзусидаги ўқув-семинарда мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган Давлат талабларининг қанчалик амалиётга жорий этилаётгани, болалар ўйинчоқларининг тарбиявий аҳамияти ва айрим муаммоларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар, педагог ходимларнинг касбий савиясини ўстиришга қаратилган шахсий режаларнинг мазмун-моҳияти хусусида мулоҳаза юритилди, керакли таклифлар киритилиб, янги ўқув йилига татбиқ этилиши режалаштирилди.

Халқ таълими вазирлигининг мактабгача таълим бўлими бошлиғи М.Алимтаева айна пайтда мамлакатимиздаги мактабгача таълим муассасалари фаолиятида кўзга ташланаётган ютуқ ва камчиликлар ҳақида гапириб, янги ўқув йили олдиндан мавжуд камчиликларни бартараф этиш чораларини муҳокамага қўйди. Шунингдек, республика Маънавият-тарғибот маркази ижтимоий-сиёсий тарғибот бўлими бошлиғи Ҳ.Жуманиязова айрим хориж ўйинчоқ ва кўғирчоқларининг болалар тарбиясига кўрсатётган салбий таъсири, муаммоларнинг олдини олиш чора-тадбирлари хусусида фикр билдирди.

Бола шахсига йўналтирилган таълимда мактабгача таълим муассасасининг мазмунида болаларнинг когнитив (ақлий), мулоқотга киришиши ва нутқининг ривожланганлиги, ижтимоий-ҳиссий ва жисмоний ривожланишига шароит яратилишини таъминлаш муҳимдир. Гуруҳ хоналари, муассаса зали, йўлаклар, ўйин майдончаларида ҳам етарлича шарт-шароитлар яратилиши лозим. Хона ва бино бола ривожланиши учун муҳим бўлган ички омил, ўйин майдончалари, муассасанинг атрофи эса ташқи омиллар сифатида хизмат қилади.

Семинар-тренинглар 5та шўбада ўз ишини давом эттирди.

1- ва 2-шўбаларда ВХТБ мутахассислари ҳамда МТМ мудира ва услубчилари иштирок этди. Мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари 3-шўбада жамланди ва бу йилги машғулотлар жадвали билан танишдилар. Унга кўра, мавжуд 5та гуруҳ тарбияланувчилари билан теварак-атроф ҳамда табиат билан танишув, таълимий ўйин-машқлари, нутқ ўстириш, саводга тайёрлаш, бадий адабиёт билан таништириш, илк математик тасаввурларни шакллантириш, расм, аппликация (қуриш-ясаш), лой иши, жисмоний тарбия, мусиқа каби машғулотлар олиб борилди.

Мусиқа раҳбарлари шўбаси (4-шўба)да ўртага ташланган масалалар барчада бирдай қизиқиш уйғотди. Мактабгача таълим муассасаларида болалар оркестрини тузиш таклифи иштирокчилар томонидан қўллаб-қувватланди. Бундан ташқари, мусиқа машғулотларида болаларнинг тўғри талаффуз қилишларини назорат қилиш, мусиқали-дидактик ўйинлардан фойдаланиш, мусиқа машғулотларининг самарадорлигини оширишда мусиқа раҳбари ва тарбиячи ҳамкорлигининг яхши йўлга қўйилиши ҳақида мунозарали суҳбат бўлиб ўтди.

5-шўба тренери Акмалжон Мирзааҳмедов МТМ ҳамширалари шўба ишини ташкил этди. Унда асосий масала кичкинтойларнинг тўғри овқатланиш тартиби, муассасалар ошхонасига қўйиладиган санитария талабларига риоя қилишни таъминлаш, таомномадаги овқатлар хилма-хиллигига эришиш, уларнинг витаминлар билан бойитиш йўллари ва тиббий хизмат шакллари устида фикр юритилди.

Муҳим янгиликлардан бири шу бўлдики, янги ўқув йилидан Республика мактабгача таълим муассасаларида ҳам "Устоз-шогирд мактаби"ни ташкил этиш механизми ишлаб чиқилди. Бу ҳақда шўба тренери Светлана Абдуллаева шундай дейди:

— МТМлардан энг илғор, мактабгача педагогика ва психология асосларини чуқур эгаллаган, ўз касбини севган, тажрибали устоз-мураббийлар аниқланади. Ёш, иқтидорли, изланувчан, фидойи 3 нафар шогирд-тарбиячи танлаб олинади ва устозга бириктирилади. Устоз-шогирд ҳақидаги маълумотлар банки яратилади.

Янгиликларнинг кўплиги яхши. Улар орқали таълим ва тарбия самарадорлигига эришиш эса ўқув-семинаридан кўзланган асосий мақсаддир.

Башорат ОТАЖОНОВА,
«Ma'rifat» мухбири

Шу кунларда барча жойларда таълим ходимларининг аънавий Август кенгашларига пухта ҳозирлик кўрилмақда. Таълим соҳасида эришилаётган ютуқларни мустаҳкамлаш, тизимдаги янгиликларни ҳаётга татбиқ этишда бу аниқланган йўналишнинг ўрни бекиёс. Август кенгашлари арафасида ўтадиган шўба йиғилишларини амалий тарзда ишчанлик руҳида ўтказиш ҳар қачонгидан-да муҳимроқ аҳамият касб этмоқда. Устоз-мураббийлар шўба йиғилишларидан нима кутмоқда?

Жиззах ВПКҚТМО институти ўқув ва методика ишлари бўйича проректори Норқўзи Мирзақобилов ушбу тадбирга ҳозирлик кўриш борасида шундай дейди.

ЎҚУВ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ШЎБА ЙИГИЛИШЛАРИДА ЭЪТИБОР ШУНГА ҚАРАТИЛАДИ

— Шўба йиғилишлари таълим-тарбия жараёни сифат ва самарадорлигини таъминловчи муҳим тадбирлардан бири. Халқ таълими вазирлигининг 164-сонли буйруғига асосан, чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Ушбу режага мувофиқ ташвиқот-тарғибот ишлари кенг йўлга қўйилди. Институт методик ишларни муваффақлаштириш бўлими мутахассислари Тошкент шаҳрида ўтган республика ўқув курси машғулотларида қатнашиб келди. Ҳозирда ўрганилган тажрибалар асосида барча туманлар учун тренер ўқитувчилар тайёрланмоқда.

Устоз-мураббийлар шўба йиғилишларида таълим-тарбия соҳасидаги янгиликлар, янги педагогик технологиялар борасида кенг ва батафсил маълумот олишга қизиқиши аниқ. Шуларни ҳисобга олиб, уларнинг фойдаланишига мўлжалланган методик тавсиялар ва тўпламлар тайёрланди. Жумладан, Президентимизнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асари фояларини бошланғич синф фанлари мазмунига сингдириш", "Одобнома дарсларида интерфаол усуллар", 7-синфда "Жаҳон тарихи фанидан кўргазмалар қуроллар тўплами", "Илғор педагогик технологиялардан дарс жараёнида фойдаланиш", "Мақол ва эртақлар асосида ўқувчилар маънавиятини бойитиш усуллари", "Ўқувчилар фаолиятини оширишда интерфаол методларнинг ўрни" каби мавзуларда услубий тавсияномалар тайёрланиб, туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларига юборилди.

Кенгашларда ўқувчиларнинг билим сифатини назорат қилишнинг рейтинг тизими тўғрисидаги низомни таълим жараёнига жорий этишга алоҳида эътибор берилди. Умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчиларининг иш юкларини белгилаш ва тақсимлаш бўйича йўриқнома, фанлар бўйича қайта ишлаб чиқилган ўқув дастурлари, методик тавсиялар билан яқиндан танишишига ҳам кенг ўрин берилди.

Шунингдек, Август кенгашларида асосий диққат-эътибор «Устоз-шогирд мактаби» аънаваларини кенгроқ жорий этишга қаратилади. Чунки ёш ўқитувчиларга кўмак бериш ва уларни илғор методик тажрибалар билан таништириш — долзарб масала. Бунда, албатта, тажрибали ўқитувчиларнинг маҳорати ва иш тажрибаси ёш мутахассислар учун ибрат мактабини ўтайди.

Шўба йиғилишлари асосан тренинг усулида, ноанънавий тарзда ўтказилади.

А.СОДИҚОВ,
«Ma'rifat» мухбири

Яқинлашиб келаётган янги ўқув йили олдидан барча ота-оналар мактабга тараддудни бошлаб юборишган бўлса ажаб эмас. Улар фарзандларига янги кийим-бош, ўқув қуроллари — ручка-дафтар харид қилиш асносида, навбатдаги синфда керак бўладиган дарсликлар ҳақида ортиқча бош қотиришмайди. Чунки бир неча йиллардан буён умумтаълим тизимида жорий қилиб келинган ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлашнинг ижара тизими ота-оналарнинг бу борадаги мушуқчаларини осон қилгани ва унинг яна бир қанча афзалликларга эга эканлигини бугун барчамиз яхши биламиз.

Дарвоқе, ўқувчиларнинг чуқур билим олиши ва ўзлаштиришида асосий аҳамиятга эга бўлган дарсликларнинг ҳар бир бола қўлида бўлиши йўлида ўқитувчилар ҳам ота-оналар "ташвиши"га шерик. "Бу йил ўқувчиларимга қанча ўқув дасрлиги керак бўлади?", деган саволларга заҳматкаш ўқитувчилар аллақачонок ҳисоб-китоблар асосида қанча топиб бўлишган. Ана шундай саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ бугун юртимизда ўқувчиларнинг дарсликлар билан таъминланиш даражаси энг ривожланган давлатларникидан ҳам юқорирак, десак асло хато бўлмайди.

2010-2011 ўқув йили олдидан эса дарсликлар ижара тизими тўловлари борасида яна бир янгилик жорий қилинди. У ҳам бўлса, юқорида таъкидланганидек, дарсликлар таъминоти жараёнини янада мукамаллаштириш, ота-оналар ва ўқитувчиларга қулайлик яратиш ҳамда ижара тизими тўловларини тартибга солишга хизмат қилади. Биз ушбу ўзгаришлардан сизларни тўлиқ хабардор қилиш мақсадида Ўзбекистон Республика Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика мақсадли китоб жамғармаси ижрочи дирекциясидан қуйидаги маълумотларни олдик:

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 декабрдаги ПҚ-1024-сонли ҳамда 2009 йил 22 декабрдаги

"Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилдаги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги ПҚ-1245-сонли Қарорларига мувофиқ, 2010 йил 1 августдан бошлаб умумтаълим муассасалари дарсликларининг ижара тўловлари ҳудудий газна ҳисоб-варақлари асосида тўғридан-тўғри газначилик ҳисоб рақамига келиб тушадиган механизм жорий этилди, — дейди Республика мақсадли китоб жамғармаси ижрочи

тўғридан-тўғри туман (шаҳар) газначилик бўлими ҳисоб рақамига келиб тушади. Шу боис, ушбу тўловларни топшираётган шахс, аввало, туман (шаҳар) газначилик бўлимининг ҳисоб рақами, МФО рақамини ва **ЭНГ асосийси, мактаб учун очилган 22 та рақамдан иборат шахсий ҳисоб-рақамини билиши ва тўлов жараёнида уни ҳисоб варағида кўрсатиши шарт. Агар умумтаълим мактабининг шахсий ҳисоб варағи кўрсатилмай қолса, маблағ қайси мактабдан ке-**

иккинчи қаторда туман (шаҳар) газначилик бўлимига хизмат кўрсатувчи банк муассасаси номи ва газначиликнинг МФО рақами, кейингисидан унинг ҳисоб-рақами ва ниҳоят тўртинчи қаторда мактаб учун ажратилган шахсий ҳисоб-рақам кўрсатилган. Шахсий ҳисоб-рақам маблағнинг қайси умумтаълим муассасасига тегишли эканлигини кўрсатиб беради. Ушбу хабарнома ишталган банк шохобчаси ёки почта алоқа бўлимларида тўлди-

Rasmiy bo'lim

Яна бир эътиборли жиҳат шуки, умумтаълим мактаби ҳисобчиси ва мутасадди раҳбарлари туман ёки шаҳар газначилик бўлинмалари ҳисоб рақамида йиғилган умумий маблағларни ҳар 5 кунда Марказий банкнинг Тошкент шаҳар бош бошқармаси ҳисоб-китоб касса марказида очилган Республика мақсадли китоб жамғармасининг асосий ҳисоб варағига (МФО: 00014, ИНН 201122919, газна ҳисоб варағи: 2150800000 100001055) кўчирилишини таъминлашлари лозим.

Шу ўринда ушбу янги тизимнинг ота-оналарга қулайлик жиҳатларига ҳам тўхталиб ўтсак. Ушбу тўлов тизимига биноан ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар фарзандларининг ўқув дарсликларини учун ижара тўловларини юқорида кўрсатилган тартиб бўйича нақд пул, пул ўтказиш ёки пластик карточкалар орқали, шунингдек, ишхонадаги ойлик маоши ёки бирор банкдаги омонат маблағларидан йўналтирган ҳолда ўзлари ҳам амалга оширишлари мумкин. Бунинг учун, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, мактабнинг шахсий ҳисоб варағидан хабардор бўлиш талаб этилади, холос.

Ушбу ишлар ижроси юзасидан Халқ таълими вазирлигининг ҳам "Дарсликлар ижара тўловларини газна ижроси механизми билан қамраб олиш тўғрисида"ги 187-сонли буйруғи қабул қилинган бўлиб, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаларига газна ижроси механизмининг жорий этилиши тўғрисида ҳудудий халқ таълими органлари томонидан умумтаълим муассасаларига ва тўловчиларга тушунтириш ишларини олиб бориш ҳамда бошқа ташкилий масалаларнинг бажарилиши бўйича умумий назорат ўрнатиш вазифаси топширилди.

Бахтиёр ЁҚУБОВ,
"Ma'rifat" мухбири

ДАРСЛИКЛАР ИЖАРА ТИЗИМИДА ЯНГИЛИК

дирекцияси бўлим бошлиғи Нодир Муслитдинов. — Содда-роқ қилиб тушунтирадиган бўлсак, аввалги йиллари умумтаълим мактабларининг дарсликларни ижарага беришдан келиб тушадиган маблағлари фақат "Агробанк" ОАТБ ва унинг филиалларидаги мактабларнинг махсус ҳисоб рақамларига топширилар эди. Бу, бир томондан туман марказидан олисрокда жойлашган мактаблар ҳисобчилари ва ота-оналар учун ортиқча овозгарчиликка сабаб бўлса, иккинчи жиҳатдан, йиғилган маблағлар кейинчалик "Агробанк"дан Республика мақсадли китоб жамғармасига ўтказилишида кўшимча банк амалиёти талаб қилинар эди. Энди эса ҳудудий газначилик бўлинмаларида умумтаълим муассасалари учун дарсликлар ижара тўловларини йиғиш бўйича шахсий ҳисоб варақлари очилган бўлиб, мактаб ҳисобчилари, ота-оналар бу тўловларни ишталган банк филиаллари, почта алоқаси шохобчаларида мактаб учун очилган шахсий ҳисоб варақ рақамини кўрсатган ҳолда тўлашлари мумкин.

— Бунда нималарга жиддий эътибор қаратиш лозим?

— Энди дарсликлар ижара тизимидан йиғилган маблағлар

либ тушгани номаълум бўлиб қолади. Қуйидаги намунага эътибор қаратсангиз,

рилгач, пастки қисми тўловчи шахсда қолади.

НАМУНА

ХАБАРНОМА

Тошкент шаҳри бўйича Газначилик бошқармаси
(тўловчи олувчи муассасанинг номи)

Банк муассасаси АТБ "Ипотека банк" С.Раҳимов филиали

Тўлов олувчининг ҳ.р. 23 426 000 904 631 200 005

БММ рақами мактабнинг и. ҳ. а. 4011222628095007550001

Исаев Р.Н. (5^А - сифф ўқувчиси учун чет тили билан)
(фамилияси, исми ва отасининг номи)

Тошкент ш. С.Раҳимов тумани 1-мактаб
(яшаш мекони)

Тўлов тури	Ўтган йил қарзлар	Жорий йил тўловлари	Сана	Сумма
ижара тўлови			02.09.2010	5600,0
РМСЖга қўчирилади		Жарима		0,0
Тўловчи		Жами		5600,0

ПАТТА

Тошкент шаҳри бўйича Газначилик бошқармаси
(тўловчи олувчи муассасанинг номи)

Банк муассасаси АТБ "Ипотека банк" С.Раҳимов филиали

Тўлов олувчининг ҳ.р. 23 426 000 904 631 200 005

БММ рақами мактабнинг и. ҳ. а. 4011222628095007550001

Исаев Р.Н. (5^А - сифф ўқувчиси учун чет тили билан)
(фамилияси, исми ва отасининг номи)

Тошкент ш. С.Раҳимов тумани 1-мактаб
(яшаш мекони)

Тўлов тури	Ўтган йил қарзлар	Жорий йил тўловлари	Сана	Сумма
ижара тўлови			02.09.2010	5600,0
РМСЖга қўчирилади		Жарима		0,0
Тўловчи		Жами		5600,0

МАКТАБНИНГ ДАРОМАДИ — 3 000 000

Халқимизда «Излаган имкон топар», деган яхши бир нақл бор. Айниқса, ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида етти ўлчаб бир кесиш, тadbirkorлик билан иш юритиш яхши самара беради. Ёз фасли, таътил бўлишига қарамай юртимиз таълим муассасаларида ҳамон иш қизғин. Ўқитувчилар янги ўқув йилига фан хоналари ва кўргазмаларни қуролларни тайёрлаш билан банд.

Айни пайтда Оқдарё туманидаги мавжуд 51та мактабда ҳам бу жараён қизғин тус олган. Улар яратилган шароит ва имкониятлардан унумли фойдаланиш билан бир қаторда бюджетдан ташқари маблағ топиш борасида ҳам бир қатор самарали ишларни амалга оширишмоқда.

Туманнинг чекка Жар қишлоғидаги 34-мактабда бўлган киши ўзини худди гулзорда юргандек ҳис қилади. Ҳар томонлама саранжом-сарашта мактаб ҳовлисида ранг-баранг гуллар очилган. Гулзорнинг бир томонида эса сабзавот экинлари — қарам, пиез ва ҳар хил кўкатлар яшнаб турибди.

— Мактабимизда ёрдамчи хўжалик ташкил қилганмиз, — дейди илмий бўлим мудирини Мухайё Хасанова. —

Етти хазинанинг бири бўлган паррандачилиқни ривожлантиришга катта эътибор беряпмиз. Бундан ташқари, бир гектардан ортиқ майдонда боғимиз бор. Олма ва олхўридан мўл ҳосил оляпмиз. Даромад мактабни таъмирлаш, ободонлаштириш, турли тadbirkorликларни ўтказишга тақсимланмоқда. Бундан беш-олти йил олдин яхши ният билан 20 тупдан ортиқ балх тути эккандик. Бу йил улар ҳам ҳосилга кирди. Тутнинг ҳосияти кўп дейишадди, боболаримиз. Унинг мевасидан шинни тайёрладик. Маза-си бирам тотлики...

Мактабнинг 0,5 гектар ерига сабзавотлар, 1 гектар ерига беда экилган ва 1 гектар ерда мевали боғ ташкил этилган. Шундай қилиб, умумий даромади 2 млн. 450 минг сўмни ташкил қилган бу билим маскани ёнгинасида жойлашган 9-МТМни ҳам оталиққа олган бўлиб, йил давомида уларни сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаб туришади.

Туманнинг Пиллол қишлоғида қад ростлаган 7-умумтаълим мактаби жа-

моаси ҳам бир гектарга яқин мевали боғдан яхши ҳосил олишни мўлжаллаётган экан. Айниқса, ёнғоқзорлар барпо этилишига катта эътибор қаратилган бўлиб, мавжуд 110 туп ёнғоқ дарахти боғбон Асомиддин Камоловга бириктирилган. Ёнғоқзорни айланар эканмиз, ҳосилининг мўлллигидан шохлари эгилган дарахтларни кўриб, бу йил ҳам анча даромад олинишига амин бўлдик. Ёнғоқлардан ташқари, ёғочбоп тераклардан бу йил 1 млн.

675 минг сўм даромад олинди.

Худди шунингдек, 8-мактабда ҳам ўқувчиларга пухта таълим бериш билан бир қаторда таълим маскани атрофини ободонлаштириш, гулзорга айлантириш, бўш ётган ерларга сабзавотлар экишга жиддий эътибор қаратилляпти. Бу ерда теракзорларни кўпайтириш борасида хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Бу йилги олинган 2 млн. 250 минг сўм даромад эса айни пайтда мактаб биноси ва синфхоналарини жорий таъмирлаш учун сарфланмоқда.

Янгиқўрғон қишлоғида жойлашган

2-умумтаълим мактаби тумандаги энг йирик билим даргоҳларидан бири. Бу ерда ҳам ободонлаштириш ишлари намунали ташкил қилинган. Мактаб атрофига 1000 тупдан ортиқ манзарали, 2000 туп терак кўчатлари ўтказилган бўлиб, улардан бу йил 1 млн. 350 минг сўм даромад олинди. Ушбу маблағ мактабнинг спорт зали ва кутубхонасини таъмирлаш учун ишлатилляпти.

Шунингдек, 15-мактаб жамоаси ҳам ўз томорқаларида помидор, қарам каби сабзавотлардан 500 минг, яна бошқа кўшимча имкониятлардан фойдаланиб, жами 3 млн. 220 минг сўм даромадга эга бўлиб, уларни мактаб эҳтиёжи учун ишлатишни режалаштирмоқда.

Юқоридаги мактабларда ташкил қилинган ёзги оромгоҳларда болаларни овқатлантириш учун зарур бўладиган барча маҳсулотлар уларнинг ўз томорқаларида етиштирилмоқда. Бу мактабларда ўз-ўзини таъминлаш ва бюджетдан ташқари маблағ топишнинг аҳамияти нечоғли англаб етилганлигининг исботи.

Райҳона ХҲЖАЕВА,
"Ma'rifat" мухбири

Ta'limda tadbirkorlik

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ИСТИҚЛОЛ КЎЗГУСИДА

1991

- **Вилоятдаги жами мактаблар сони** — 870та. Шундан: замонавий типдаги — 627та; мослаштирилганлари — 233та; авария ҳолатидаги — 10та.
- **Мактабларнинг моддий-техник базаси:** дарсликлар таъминоти — 79 фоиз; ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланганлиги — 28 фоиз; компьютер, ахборот технологиялари билан таъминланганлиги — 20 фоиз; мебель жиҳозлари билан таъминланганлиги — 55 фоиз.
- **Вилоят болалар спорти объектлари:** спорт залига эга мактаблар сони — 652та; болалар спорти объектлари сони — йўқ; болалар спорти объектларининг спорт билан таъминланганлиги — 0 фоиз; ёшларнинг оммавий спортга қамраб олинганлиги — 62 фоиз.
- **Вилоятдаги мусиқа ва санъатта ихтисослаштирилган мактаблари сони** — 17та. Шундан: замонавий типдаги — 5та; мослаштирилганлари — 10та; авария ҳолатидаги — 2та.
- **Вилоятдаги ҳунар-техника билим юртлари сони** — 44та. Шундан: замонавий типдаги — 37та; мослаштирилганлари — 7та; авария ҳолатидаги — 8та.
- **Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари моддий-техник базаси:** ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланганлиги — 7 фоиз; компьютер ҳамда ахборот технологиялари билан таъминланганлиги — 35 фоиз; мавжуд техника воситалари сони — 398та.
- **Ўрта махсус таълим муассасаларининг кадрлар билан таъминланганлиги:** педагоглар ва муҳандис-педагоглар умумий сони — 3119 нафар. Шундан: профессорлар — йўқ; фан номзодлари — 13 нафар; олий маълумотли ўқитувчилар — 2857 нафар. Ўрта махсус таълим йўналишлари бўйича мутахассисликлар умумий сони — 38та. Ҳунар-техника билим юртларига қамраб олинган ўқувчилар умумий сони — 6600 нафар.
- **Вилоятдаги олий таълим муассасалари сони** — 3та. Шундан: университетлар — йўқ; институтлар — 3та. Ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланганлиги — 89 фоиз. Компьютер билан таъминланганлиги — 151 дона.
- **Профессор-ўқитувчилар** — 1112 нафар. Шундан: профессорлар — 29 нафар; фан номзодлари — 399 нафар. Талабаларнинг умумий сони — 11700 нафар. Мутахассисликларнинг умумий сони — 53та.

1992 1993 1994 1995 1996 1997 1998 1999 2000 2001 2002 2003 2004 2005 2006 2007 2008 2009

● 1997 йили Кўқон шаҳридаги 10-мактаб ўқитувчиси Манзура Мамадалиева Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвонига сазовор бўлди.

Умумий ўрта таълим

● 1991 йилда 69та МТТМдаги 1345 та тўғарақда 59433 нафар ўқувчи-ёшлар дарсдан бўш вақтларида шуғулланган бўлса, 2010 йили МТТМ сони 74тага, тўғарақлар сони 1719тага етди. 2009 йили МТТМлар 40та замонавий компьютер, 23та замонавий русумдаги тикув машиналари, пазандчилик тўғарағида шуғулланиладиган 43та комплект ошхона жиҳозлари билан таъминланди.

● «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» республика кўрик-танловида иштирок этган ўқитувчиларнинг 25 нафари фахрли 1, 2, 3-ўринларни эгаллади.

● Фан олимпиадаларининг республика босқичида қатнашган ўқувчиларнинг 62 нафари имтиёзли ўринларни қўлга киритишга муваффақ бўлди.

● Халқаро ва бутунжаҳон фан олимпиадаларида 6 нафар ўқувчи голиб деб топилди.

● Мавжуд 818та мактабгача таълим муассасаларида 68342 нафар болажонлар тарбияланмоқда.

● 35 нафар халқ таълими ходимлари турли ривожланган мамлакатларда халқаро ҳамкорлик доирасидаги ўқув машғулотларида қатнашиб, малака ошириб қайтишди.

● Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида ташкил этилган вилоят ва туманларда ахборот-ресурс марказларининг китоб фонди 203 минг 287тага етди.



Олий таълим

● 2008 йили Бешарик туманидаги 11-умумтаълим мактаби кутубхоначиси Райхона Саидова “Йилнинг энг яхши таълим муассасаси кутубхоначиси” кўрик-танлови, Кува туман ахборот-ресурс маркази кутубхоначиси Озода Отабоева “Ахборот-ресурс марказининг энг яхши мутахассиси” кўрик-танловининг республика босқичида олий ўринни эгаллади.

● 2010 йили Олтиариқ туманидаги 19-умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиси Мадина Толипова “Энг фаол китобхон” кўрик-танловининг республика босқичи голиби бўлган бўлса, Фаргона шаҳридаги 28-мактаб ўқувчилари шу йили “Жаҳон халқлари оғзаки ижоди биланганлари карнавали” кўрик-танлови якуний босқичида 3-ўрин соҳиби бўлди.

● 2009 йил февраль, июль ойларида Фаргона вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ходимлари “Умумий ўрта таълим фанларининг ўқитишнинг замонавий методларидан фойдаланишни ўрганиш” йўналишида Германия Федератив Республикасида малака ошириш ўқув курсида бўлиб қайтдилар.

● 2009 йили Урганч шаҳрида ўтказилган “Академик чолгу ва эстрада ихрочилиги” республика кўрик-танловида Фаргона шаҳридаги болалар мусиқа ва санъат мактабининг 5-синф ўқувчиси Шерзод Абдулазизов фортепиано йўналиши бўйича 1-ўринни эгаллади ва Россиянинг Суздаль шаҳрида ўтказиладиган “Новые имена” халқаро фестивалига таклиф этилди.

● 2000 йили Марғилон шаҳридаги 1-ихтисослашган давлат умумтаълим мактабининг 11-синф ўқувчиси Дилфузахон Содикова, 2001 йили Риштон туманидаги 27-мактаб ўқувчиси Муҳайё Тешабоева, 2007 йили Марғилон шаҳридаги 1-ихтисослашган давлат умумтаълим мактаби 11-синф ўқувчиси Нилуфар Абдуганиева, 2008 йили Риштон туманидаги 27-мактаб ўқувчиси Нозима Холиқова Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндори бўлди.



Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими

● Мустақиллик йилларида соҳа педагог ходимларидан 1 нафари “Фидокорона хизматлари учун”, 1 нафари “Меҳнат шuhrати”, 1 нафари II даражали “Соғлом авлод учун” ордени, 15 нафари “Шухрат” медали, 33 нафари “Ўрта махсус касб-ҳунар таълими аълочилиги” кўкрак нишони билан тақдирланишди.

● Вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари 2003 ва 2008 йилларда “Баркамол авлод” спорт мусобақасида жамоа ҳисобида 3-ўринни қўлга киритиб, Президент совғаси — “Тико” ва “Дамас” автомашинаси билан тақдирланди.

● 2007 йили Фаргона олимпия захиралари спорт коллежи ўқитувчиси Уктам Раҳмонов бокс бўйича Озарбойжонда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида фахрли 1-ўринни эгаллади.

● Касб-ҳунар коллежи ўқувчилари ўртасидаги “Касб маҳорати” кўрик-танловининг 2010 йилги Республика босқичида Кўқон маиший хизмат касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Фуломжон Нейматов ҳамда Аввал маиший хизмат касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Ҳалимжон Абдуллаев 3-ўринни қўлга киритишди.

● 2006 йили Марғилон қурилиш касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Аҳмад Қодиров чизмачилик фанидан фан олимпиадаларининг республика босқичида 2-ўринни эгаллади.

● 2009 йили Кўқон давлат педагогика институти қошидаги академик лицей ўқувчиси Дилноза Каттахонова, 2010 йили Фаргона санъат коллежи ўқувчиси Шаҳноза Давлатова Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори бўлди.



Болалар спорти

● Мустақиллик даврида умумтаълим муассасаларида таълим олаётган спортчи ўқувчилар Осиев, жаҳон ва халқаро спорт мусобақаларида муваффақиятли иштирок этиб, 33та олтин, 52та кумуш ва 73та бронза медалини қўлга киритишди.

● Мактаб ўқувчиларининг аънаваний “Умид ниҳоллари” спорт мусобақасида Фаргона вилоят терма жамоаси иштирокчилари 2002 йили умумжамоа ҳисобида 2-, 2003 йили 3-, 2006 йили 3-ўринни эгаллади ҳамда 69та олтин, 73та кумуш ва 119та бронза медалини қўлга киритишди.

● Фаргона шаҳридаги 6-мактаб ўқувчиси Сардор Исоқов ва 3-мактаб ўқувчиси Ҳабибулла Эргашев жорий йил Германиянинг Ливеркузэн шаҳрида бўлиб ўтган спорт гимнастикаси бўйича мусобақада иштирок этиб қайтди.

● Бағдод туманидаги 5-мактаб ўқувчиси Шокирали Қодиров 2007 йили Италиянинг Сардина шаҳрида бўлиб ўтган таэквондо бўйича ўсмирлар ўртасидаги жаҳон биринчилигида 1-ўрин соҳиби бўлди.



2010

- **Вилоятдаги жами мактаблар сони** — 917та. Шундан: янгидан қурилганлари — 11та; капитал реконструкция қилинганлари — 216та; капитал таъмирланганлари — 357та; жорий таъмирланганлари — 252та.
- **Мактабларнинг моддий-техник базаси:** дарсликлар таъминоти — 99,2 фоиз; ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланганлиги — 92 фоиз; компьютер, ахборот технологиялари билан таъминланганлиги — 70 фоиз; мебель жиҳозлари билан таъминланганлиги — 90 фоиз.
- **Вилоят болалар спорти объектлари:** спорт залига эга мактаблар сони — 687 та; болалар спорти объектлари сони — 98та; болалар спорти объектларининг спорт жиҳозлари ва ускуналари билан таъминланганлиги — 100 фоиз; ёшларнинг оммавий спортга қамраб олинганлиги — 97 фоиз.
- **Вилоятдаги мусиқа ва санъатта ихтисослаштирилган мактаблари сони** — 29та. Шундан: замонавий типдаги — 6та; мослаштирилганлари — 19та; (2010—2014 йиллар давомида мавжуд мактаблар бинолари янги қурилиш ҳамда капитал реконструкциялаш натижасида янгиланади); биноси янгидан қурилаётганлари — 1та; капитал реконструкция қилинаётганлари — 3та.
- **Вилоятдаги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари (академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари) сони** — 156та. Шундан: замонавий типдаги — 156та; мослаштирилганлари — йўқ; авария ҳолатидаги — йўқ.
- **Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари моддий-техник базаси:** ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланганлиги — 73,7 фоиз; компьютер ҳамда ахборот технологиялари билан таъминланганлиги — 76,9 фоиз; мавжуд техника воситалари сони — 513та.
- **Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг кадрлар билан таъминланганлиги:** педагоглар ва муҳандис-педагоглар умумий сони — 11142 нафар. Шундан: фан докторлари — 1 нафар; фан номзодлари — 48 нафар; олий маълумотли ўқитувчилар — 10206 нафар.
- **Вилоятдаги олий таълим муассасалари сони** — 5та. Шундан: университетлар — 1та; институтлар — 2та; филиаллар — 2та. Ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланганлиги — 97 фоиз. Компьютер билан таъминланганлиги — 1611 дона.
- **Профессор-ўқитувчилар** — 1496 нафар. Шундан: профессорлар — 73 нафар; фан номзодлари — 419 нафар. Талабаларнинг умумий сони — 20365 нафар. Мутахассисликларнинг умумий сони — 94та.

**O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirligi tomonidan ta'lim
turkman tilida olib boriladigan umumiy o'rta ta'lim maktablari uchun 2010-2011-o'quv
yilida foydalanishga tavsiya etilgan darslik va o'quv qo'llanmalari
RO'YXATI**

(Davomi. Boshi o'tgan sonda.)

T/r	Darslik va o'quv qo'llanmalari nomi	Mualliflar	Nashr etilgan yili	Ta'minlanish turi
1-sinf				
1	Alifbe (Harrlyk)	Q.Abdullayeva va b.	2010	bepul
2	Yozuv daftari (Harrlyk depderi)	K.Xolliyev	2010	bepul
3	Ona tili va o'qish kitobi (Ene dili we okuw kitaby)	G.Abdullayeva va b.	2010	bepul
4	Matematika	M.Ahmedov va b.	2010	bepul
5	Matematika daftari	M.Jumayev va b.	2010	bepul
6	Atrofimdagi olam	A.Grigoryans	2010	bepul
7	Odobnoma	O.Hasanboyeva	2010	bepul
8	Tasviriy san'at	R.Hasanov	2010	bepul
9	Musiq	H.Nurmatov va b.	2010	bepul
10	Jismoniy tarbiya	K.Mahkamjonov va b.	2010	bepul
11	Konstitutsiya alifbosi	O.Karimova	2008	kutubxona fondi
2-sinf				
1	O'zbek tili	R.Tolipova va b.	2010	ijara
2	Ona tili (Ene dili)	G.Abdullayeva va b.	2010	ijara
3	O'qish kitobi (Okuw kitaby)	Sh.Abdullayeva va b.	2010	ijara
4	Русский язык	R.Tolipova va b.	2010	ijara
5	Matematika	N.Bikbayeva va b.	2010	ijara
6	Atrofimdagi olam	P.G'ulomov va b.	2010	ijara
7	Odobnoma	Q.Abdullayeva va b.	2010	ijara
8	Tasviriy san'at	M.Isakova va b.	2010	ijara
9	Musiq	H.Nurmatov va b.	2010	ijara
10	Jismoniy tarbiya	K.Mahkamjonov va b.	2010	ijara
11	Konstitutsiya alifbosi	O.Karimova	2007,2008	kutubxona fondi
3-sinf				
1	O'zbek tili	A.Rafiyev va b.	2010	ijara
2	Ona tili (Ene dili)	G.Abdullayeva va b.	2010	ijara
3	O'qish kitobi (Okuw kitaby)	Sh.Abdullayeva va b.	2010	ijara
4	Русский язык	R.Tolipova va b.	2010	ijara
5	Matematika	N.Bikbayeva va b.	2010	ijara
6	Tabiatshunoslik	A.Bahromov	2010	ijara
7	Odobnoma	O.Hasanboyeva va b.	2010	ijara
8	Tasviriy san'at	M.Isakova va b.	2010	ijara
9	Musiq	H.Nurmatov va b.	2010	ijara
10	Jismoniy tarbiya	K.Mahkamjonov va b.	2010	ijara
11	Konstitutsiya alifbosi	O.Karimova	2007,2008	kutubxona fondi
4-sinf				
1	O'zbek tili	A.Rafiyev va b.	2009	ijara
2	Ona tili (Turkmen dili)	A.Qodirov	2009	ijara
3	O'qish kitobi (Okuw kitaby)	A.Qodirov va b.	2009	ijara
4	Matematika	A.Quchqarov va b.	2009	ijara
5	Русский язык	R.Tolipova va b.	2009	ijara
6	Tabiatshunoslik	A.Grigoryans va b.	2009	ijara
7	Odobnoma	O.Hasanboyeva va b.	2009	ijara
8	Musiq	O.Ibrohimov	2009	ijara
9	Jismoniy tarbiya	K.Mahkamjonov va b.	2009	ijara
5-sinf				
1	O'zbek tili	R.Tolipova va b.	2006	ijara
2	Turkman tili (Turkmen dili)	A.Qodirov	2005	ijara
3	Adabiyot (Edebiyat)	X.Abdullayev va b.	2005	ijara
4	Русский язык	R.Tolipova va b.	2006	ijara
5	Ingliz tili «Fly High English»	L.Jo'rayev va b.	2007	ijara
6	Nemis tili «Deutsch»	M.Qiyomova va b.	2007	ijara
7	Fransuz tili	A.Nosirov va b.	2007	ochiq savdo
8	Tarixdan hikoyalar	Q.Usmonov va b.	2007	ijara
9	Matematika	M.Mirzaahmedov va b.	2007	ijara
10	Informatika	B.Boltayev va b.	2008	ijara
11	Tabiiy geografiya boshlang'ich kursi	P.G'ulomov va b.	2005	ijara
12	Botanika	O'.Pratov va b.	2007	ijara
13	Vatan tuyg'usi	X.Sultonov va b.	2007	ijara
14	Konstitutsiya olamiga sayohat	V.Kostetskiy va b.	2008	kutubxona fondi
15	Musiq	A.Mansurov va b.	2005	kutubxona fondi
16	Jismoniy tarbiya (5-6)	T.Usmonxo'jayev va b.	2006	kutubxona fondi
6-sinf				
1	O'zbek tili	R.Tolipova va b.	2009	ijara
2	Turkman tili (Turkmen dili)	M.Xanmatov va b.	2009	ijara
3	Adabiyot (Edebiyat)	R.Qilichev va b.	2009	ijara
4	Tarix	A.Sa'dullayev va b.	2009	ijara
5	Русский язык	R.Tolipova va b.	2009	ijara
6	Ingliz tili «Fly High English»	L.Jo'rayev va b.	2009	ijara
7	Nemis tili «Assalom, Deutsch!»	N.Suxanova va b.	2009	ijara
8	Fransuz tili «Voyage en France»	Z.Abdushukurova va b.	2009	ijara
9	Matematika	M.Mirzaahmedov va b.	2009	ijara
10	Fizika	N.Turdiyev	2009	ijara
11	Botanika	O'.Pratov va b.	2009	ijara
12	Vatan tuyg'usi	X.Sultonov va b.	2007	ijara
13	Geografiya	A.Soatov va b.	2009	ijara
14	Informatika	B.Boltayev va b.	2009	ijara
15	Konstitutsiya olamiga sayohat	V.Kostetskiy va b.	2008	kutubxona fondi
16	Musiq	S.Begmatov va b.	2008	kutubxona fondi
17	Jismoniy tarbiya (5-6)	T.Usmonxo'jayev va b.	2006	kutubxona fondi

7-sinf				
1	O'zbek tili	R.Tolipova va b.	2009	ijara
2	Turkman tili (Turkmen dili)	M.Xanmatov va b.	2009	ijara
3	Adabiyot (Edebiyat)	G.Suyunova va b.	2009	ijara
4	Русский язык	R.Tolipova va b.	2009	ijara
5	Ingliz tili «Fly High English»	L.Jo'rayev va b.	2009	ijara
6	Nemis tili «Assalom, Deutsch!»	N.Suxanova va b.	2009	ijara
7	Fransuz tili «Bon voyage»	V.Buxin va b.	2009	ijara
8	O'zbekiston tarixi	A.Muhammadjonov	2009	ijara
9	Jahon tarixi	T.Salimov va b.	2009	ijara
10	Algebra	Sh.Alimov va b.	2009	ijara
11	Geometriya	A.Azamov va b.	2009	ijara
12	Fizika	P.Habibullayev va b.	2009	ijara
13	Kimyo	I.Asqarov va b.	2009	ijara
14	Geografiya	P.G'ulomov va b.	2009	ijara
15	Milliy istiqlol g'oyasi va ma'naviyat asoslari	M.Qarshiboyev va b.	2007	ijara
16	Konstitutsiya olamiga sayohat	V.Kostetskiy va b.	2007	kutubxona fondi
17	Zoologiya	O.Mavlonov	2009	ijara
18	Informatika	B.Boltayev va b.	2009	ijara
19	Tasviriy san'at	A.Sulaymonov va b.	2005	kutubxona fondi
20	Musiq	O.Ibrohimov va b.	2006	kutubxona fondi
21	Jismoniy tarbiya (7-8)	T.Usmonxo'jayev va b.	2007	kutubxona fondi
8-sinf				
1	O'zbek tili	H.Muhiddinova va b.	2010	ijara
2	Turkman tili (Turkmen dili)	X.Arazqilicheva va b.	2010	ijara
3	Adabiyot (Edebiyat)	N.Gurbanberdiyev va b.	2010	ijara
4	Русский язык	R.Tolipova va b.	2010	ijara
5	Ingliz tili «Fly High English»	L.Jo'rayev va b.	2010	ijara
6	Nemis tili «Assalom,Deutsch!»	N.Suxanova va b.	2010	ijara
7	Fransuz tili «Le nouveau voyage en France»	Z.Abdushukurova va b.	2010	ijara
8	Informatika va hisoblash texnikasi asoslari	B.Boltayev va b.	2010	ijara
9	O'zbekiston tarixi	Q.Usmonov va b.	2010	ijara
10	Jahon tarixi	U.Jo'rayev va b.	2010	ijara
11	O'zbekiston davlati va huquqi asoslari	O.Karimova va b.	2010	ijara
12	Iqtisodiy bilim asoslari	E.Sariqov va b.	2010	ijara
13	Algebra	Sh.Alimov va b.	2010	ijara
14	Geometriya	A.Rahimqoriyev	2010	ijara
15	Fizika	P.Habibullayev va b.	2010	ijara
16	Kimyo	I.Asqarov va b.	2010	ijara
17	Odam va uning salomatligi	B.Aminov va b.	2010	ijara
18	Geografiya	P.Musayev va b.	2010	ijara
19	Milliy istiqlol g'oyasi va ma'naviyat asoslari	R.Qo'chqor va b.	2007	ijara
20	Chizmachilik	I.Rahmonov	2010	ijara
21	Jismoniy tarbiya (7-8)	T.Usmonxo'jayev va b.	2007	kutubxona fondi
9-sinf				
1	O'zbek tili	A.Rafiyev	2010	ijara
2	Turkman tili (Turkmen dili)	I.Arazov va b.	2010	ijara
3	Adabiyot (Edebiyat)	G.Velbegov va b.	2010	ijara
4	Русский язык	Y.Azizxonova va b.	2010	ijara
5	Ingliz tili «Fly High English»	L.Jo'rayev va b.	2010	ijara
6	Nemis tili «Deutsch»	M.Dadaxodjayeva va b.	2010	ijara
7	Fransuz tili «D'un Etat a l'autre»	S.Rahmonov va b.	2010	ijara
8	Jahon tarixi	M.Lafasov va b.	2010	ijara
9	O'zbekiston tarixi	S.Tillayev va b.	2010	ijara
10	Konstitutsiyaviy huquq asoslari	G.Tansiqboyeva va b.	2010	ijara
11	Iqtisodiy bilim asoslari	E.Sariqov va b.	2010	ijara
12	Algebra	Sh.Alimov va b.	2010	ijara
13	Geometriya	B.Haydarov va b.	2010	ijara
14	Informatika va hisoblash texnikasi asoslari	A.Abdudodirov va b.	2010	ijara
15	Fizika	P.Habibullayev va b.	2010	ijara
16	Kimyo	I.Asqarov va b.	2010	ijara
17	Biologiya. Sitologiya va genetika asoslari	A.Zikiryayev va b.	2010	ijara
18	Jahon iqtisodiy-ijtimoiy geografiyasi	A.Qayumov va b.	2010	ijara
19	Milliy istiqlol g'oyasi va ma'naviyat asoslari	O.Musurmonova va b.	2007	ijara
20	Chizmachilik	I.Rahmonov	2010	ijara
21	Jismoniy tarbiya	T.Usmonxo'jayev va b.	2005	kutubxona fondi
10-sinf				
1	O'zbek tili	M.To'xtamirzayev	2007	kutubxona fondi, ochiq savdo
2	Turkman tili	G.Nazarova va b.	2007	kutubxona fondi, ochiq savdo
3	Turkman adabiyoti	K.Razakova va b.	2007	kutubxona fondi, ochiq savdo
4	Русский язык	R.Tolipova va b.	2005	kutubxona fondi, ochiq savdo
5	Ingliz tili	J.Jalolov	2007	kutubxona fondi, ochiq savdo
6	Nemis tili	B.Zardinova	2007	kutubxona fondi, ochiq savdo

(Davomi 11-betda.)

O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirligi tomonidan ta'lim turkman tilida olib boriladigan umumiy o'rta ta'lim maktablari uchun 2010-2011-o'quv yilida foydalanishga tavsiya etilgan darslik va o'quv qo'llanmalari RO'YXATI

(Davomi. Boshi 10-betda.)

T/r	Darslik va o'quv qo'llanmalari nomi	Mualliflar	Nashr etilgan yili	Ta'minlanish turi
7	Fransuz tili	V.Buxin va b.	2007	kutubxona fondi, ochiq savdo
8	O'zbekiston tarixi	D.Alimova va b.	2007	kutubxona fondi, ochiq savdo
9	Jahon tarixi	G.Hidoyatov	2007	kutubxona fondi, ochiq savdo
10	Huquqshunoslik	V.Kostetskiy va b.	2007	kutubxona fondi, ochiq savdo
11	Iqtisodiyot va biznes asoslari	E.Sariqov va b.	2007	kutubxona fondi, ochiq savdo
12	Algebra va analiz asoslari	Sh.Alimov va b.	2007	kutubxona fondi, ochiq savdo
13	Geometriya	A.Pogorelov va b.	2007	kutubxona fondi, ochiq savdo
14	Fizika	M.Shaxmayev va b.	2007	kutubxona fondi, ochiq savdo
15	Kimyo	G.Rudzitis va b.	2007	kutubxona fondi, ochiq savdo
16	Informatika va hisoblash texnikasi asoslari	A.Abduqodirov	2007	kutubxona fondi, ochiq savdo
17	Umumiy biologiya	Y.To'raqulov va b.	2007	kutubxona fondi, ochiq savdo
18	Amaliy geografiya	A.Rafikov va b.	2007	kutubxona fondi, ochiq savdo
19	Chaqiriqqacha yoshlarni tayyorlash (10-11-s.)	H.Jo'rayev va b.	2005	kutubxona fondi, ochiq savdo
20	Milliy istiqlol g'oyasi va ma'naviyat asoslari (10-11-s.)	Q.Nazarov va b.	2007	kutubxona fondi, ochiq savdo
21	Jismoniy tarbiya (10-11-s.)	T.Usmonxo'jayev va b.	2005	kutubxona fondi, ochiq savdo
11-sinf				
1	O'zbek tili	A.Rafiyev	2005	kutubxona fondi, ochiq savdo
2	Turkman tili (Turkmen dili)	O.Esenova va b.	2005	kutubxona fondi, ochiq savdo
3	Adabiyot (Edebiyat)	I.Arazov va b.	2005	kutubxona fondi, ochiq savdo

4	Русский язык	R.Tolipova va b.	2005	kutubxona fondi, ochiq savdo
5	Fransuz tili	Z.Abdushukurova va b.	2005	kutubxona fondi, ochiq savdo
6	Nemis tili	B.Zardinova	2005	kutubxona fondi, ochiq savdo
7	Ingliz tili	J.Jalolov va b.	2005	kutubxona fondi, ochiq savdo
8	Jahon tarixi	G.Hidoyatov	2005	kutubxona fondi, ochiq savdo
9	O'zbekiston tarixi	N.Jo'rayev	2005	kutubxona fondi, ochiq savdo
10	Huquqshunoslik	V.Kostetskiy va b.	2005	kutubxona fondi, ochiq savdo
11	Inson va jamiyat	N.Jo'rayev va b.	2005	kutubxona fondi, ochiq savdo
12	Informatika va hisoblash texnikasi asoslari	B.Boltayev va b.	2005	kutubxona fondi, ochiq savdo
13	Iqtisodiyot va biznes asoslari	E. Sariqov va b.	2005	kutubxona fondi, ochiq savdo
14	Algebra va analiz asoslari	Sh.Alimov va b.	2005	kutubxona fondi, ochiq savdo
15	Geometriya	A.Pogorelov	2005	kutubxona fondi, ochiq savdo
16	Fizika	M.Shaxmayev va b.	2005	kutubxona fondi, ochiq savdo
17	Astronomiya	M.Mamadazimov	2005	kutubxona fondi, ochiq savdo
18	Kimyo	A.Muftaxov	2004	kutubxona fondi, ochiq savdo
19	Umumiy biologiya	A.G'ofurov va b.	2005	kutubxona fondi, ochiq savdo
20	Milliy istiqlol g'oyasi va ma'naviyat asoslari (10-11-s.)	Q.Nazarov va b.	2007	kutubxona fondi, ochiq savdo
21	Jismoniy tarbiya (10-11-s.)	T.Usmonxo'jayev va b.	2005	kutubxona fondi, ochiq savdo
22	Chaqiriqqacha yoshlarni tayyorlash (10-11-s.)	H.Jo'rayev va b.	2005	kutubxona fondi, ochiq savdo

БИЛИМ ВА ХУНАР УЙГУН МАСКАН

Самарқанд вилояти умумтаълим мактаблари ҳақида гап кетганида, ҳамкасб дўстларим доим вилоят ўқув тарбия мажмуасида олиб борилаётган ишларни бир кўриб кетишга таклиф этишади. Йўлим тушиб бу масканда бўлганимда, юқоридаги таклифлар бежиз эмаслигига амин бўлдим.

Мажмуада таълим олаётган болажонларнинг кўлга киритган ютуқлари рўйхатини узок давом эттириш мумкин. Бизни эса ана шу ютуқларнинг сири ни мада экани қизиқтирарди. Бу ҳақда мажмуа раҳбари Гулшод Бобононова билан суҳбатлашмоқчи бўлдим. Аммо, у киши гапдан кўра амалий ишни афзал кўрадиганлар тоифасидан экан. Суҳбат асносида Самарқандда кўнглимни равшан қилган бир ҳолат ҳақида гап бошладим.

— Гулшод опа, бу ерда китобни яхши кўрадиган инсонлар кўп экан. Вилоятнинг чекка қишлоғи, кўплаб шаҳарларида кўлида бадий китоб кўтариб олган одамларни кўп учратдим...

Опа мен томонга ялт этиб қаради. Чехраси ёришиб кетгандай бўлди.

— Жуда яхши пайқабсиз. Мен ҳам кўлида китоби бор болани кўрсам, қувониб кетаман. Ўзимнинг ҳам китобга меҳрим жуда эрта тушган. Пиримкул Қодировнинг ҳар бир асарини сабрсизлик билан кутардим. Ҳатто 5-синфда ўқиб юрган пайтларимда Мопаассан ва Стендалнинг китобларини ўқиб чиққанман. Ҳозир ҳам бўш вақтларимда муголаа энг сеvimли машғулотим.

Ўзимда йўқ даражада хурсандман. Суҳбат калитини топгандек эдим. Энди ўзимни қизиқтирган мавзуга ўтсам бўлаверади.

— Мажмуадаги ўқувчиларнинг китобга муносабатлари қандай?

— Ўқувчиларимиз китоб ўқишни яхши кўришади. Уларнинг ўқиган китоблари ҳақида фикрларини эшитганда қувониб кетаман.

— Мажмуа фаолияти ҳақида ҳам бироз тўхталсангиз.

— Мажмуамизда мактабга тайёрлайдиган илк «Камолот» марказида 250 нафар бола тарбияланади. «Нафосат» эстетик йўналишдаги бошланғич мактабда эса 310 нафар ўқувчи билим олмақда. Мактабдан ташқари таълим йўналиши бўйича 52та тўғарақда 2525 нафар ўғил, қизлар «Зардўзлик», «Миллий каштачилик», «Кулолчилик», «Бадий кашта», «Дурадгорлик», адабиёт ва санъат ҳамда техник йўналишда турли хил хунарларни ўрганмоқдалар.

— Мактаб ва мактабдан ташқари таълим муассасаларининг ўзига хос томонлари борми?

— Албатта, ҳар бир ота-она фарзандининг мунтазам равишда мактабга қатнашини назорат

қилиб туради. Тўғарақларни болалар ўз қизиқишларига қараб танлайди. Шу боис тўғарақларга раҳбарлик қилиш учун ўз ишининг устаси, болаларнинг касбга муносабатларини мустаҳкамлаб борадиган мураббийлар танланган.

— Мажмуа болалари нуфузли танловларда иштирок этаётганларида кўнглингиздан нималар кечади?

— Очиғини айтадиган бўлсам, мен улардан кўра кўпроқ ҳаяжонлансам керак. Лекин буни билдирмасликка ҳаракат қиламан. Бола билан боладек гаплашиш лозим. Агар у дурадгорлик тўғарағида бўлса, келажакда ўз касбининг мохир устаси бўлишига, авиамодел тўғарағида бўлса, осмону фалакни кучишига ишонтириш керак. Боланинг ўзи танлаган соҳани ҳаётининг бир бўлагига айлантириши учун бор имкониятларни яратиб бериш лозим. Шундагина у дарсдан бўшади дегунча, тўғарақ томон чопадиган бўлади.

— Мажмуада шаклланган иш услуби, тажрибалар борасида бошқа ижодий марказлар билан ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилганми?

— Бўлмасам-чи. Ҳаммамиз ҳам ёш авлоднинг баркамол инсон бўлиб етишиши йўлида ҳаракат қилмоқдамиз. Ҳар ойда туманлардаги 20та ижодий маркази раҳбарлари учун семинарлар ташкил этамиз. Мажмуамизда «Ота-оналар университети» фаолият юритади. Улар билан ҳамкорликда болалар



Kasbga yo'naltirish

учун қизиқарли бўлган турли соҳа вакиллари билан учрашувлар ўтказиб тураемиз.

— Мажмуада устозларга ҳам муайян талаблар қўйиладими?

— Ҳар бир устозни иқтисоди, билими ва изланувчанлигига қараб ишга олаемиз. Ўқувчида билимга меҳр уйғотишда устознинг масъулияти жуда катта. У ўқувчиларга керагидан ортиқ нarsa бera оладиган даражада бўлиши керак. Болалар жуда зийрак бўлишади. Бундай устозларни бир zumда аниқлаб олишади. Доимо унинг ёнида бўлишга ҳаракат қилишади. Биология фанлари доктори, профессор Санъат Муҳаммадиев, педагогика фанлари номзоди, доцент Ҳасан Юсупов, «Усто» бирлашмасининг аъзолари Зулайхо Рустамова, Николай Жуков, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Жамол Сирождидинов ҳамда таълим фидойилари Венера Аъзамова, Алевтина Алексеева, Роҳат Тешаева ва Зухра Юнусова ана шундай устозлар сирасига қиради.

— Гулшод опа, болалар дунёси — бегубор олам. Шунга қарамай улар билан ишлаш жараёнида қийналган пайтларингиз бўлганми?

— Бўлган. Ҳаммамиз ҳам инсонмиз. Иш бошлаган дастлабки пайтларимда бироз қийинчиликлар бўлган. Болаларни тўғарақларга жалб қилиш осон кечмаган. Тушқунликка тушганман. Ўша пайтлар онамнинг бир ўғитлари сира ёдимдан чиқмайдди. У киши «Болам, ўзингни кўлга ол, сени бир жойга тайинлашдим, бу бекорга эмас, сенга ишонинган. Уларнинг ишончини оқлашинг керак» дегандилар.

Давлатимиз томонидан ёш авлоднинг тарбияси, баркамол бўлиб вояга етиши учун барча шароитлар муҳайё қилинган. Бизнинг асосий вазифамиз бу имкониятлардан оқилона фойдаланиш. Бу борада ҳаракат қиляпмиз. Гулнора Набиева, Фарида Хўжанова, Сурайё Ғофурова каби яқин кўмакчиларим бор. Кўлга киритилаётган ютуқларда уларнинг хизмати беқиёс.

Юсуф ФАЙЗУЛЛО

Хар бир инсон бир китоб, унинг ўз олами, ўз саргузаштлари бор. Сухбат ўша ўзга дунёларни кашф этишда бир воситадир.

Болалигидан интилувчан бўлиб ўсган, ҳали ёш бўлишига қарамай, Корея-Ўзбекистон дўстлик корейс табобати шифохонасида бош шифокор лавозимида ишлаётган корейлик доктор Ан Кон Сан бугун сухбатдошимиз. У саёҳат қилишга қизиқади. Ҳозиргача уч қитъани кезган; Япония, Хитой, Тайван, Тайланд, Индонезия, Испания, Италия, Туркия, Германия, Австралия каби йигирмага яқин мамлакатда бўлган.

Шифохонада уни ҳамма яхши кўради. Ходимлари ҳар шанба куни тушлик олиб берадиган, кўли очик, танти раҳбар дея ҳурмат қилса, беморлари уни меҳр-шафқатли шифокор сифатида эъзозлайди.

Доктор Ан Кон Сан 1979 йили Кореянинг Тегу шаҳрида туғилган. Юртимизда яшаётганига бир йилдан ошди. Унинг Ўзбекистон билан боғлиқ орзу-ўйлари, таассуротлари билан қизикдик.

— **Яқинлардан йироқда, ўзга бир юртда яшаб, ишлашнинг ўз қийинчиликлари бўлса керак...**

— Ҳа, тўғри. Лекин Ўзбекистонга келиб, қийинчилик кўрмадим. Одамлар самимий, меҳрибон... Танимаган, билмаган кишисини ҳам кўнглига яқин олиб гапирди, баъзан ҳайрон қоламан. Беморлар яқинларим, ходимлар эса опа-акаларимдай...

Улар билан ҳар шанба бир дастурхон атрофида йиғилишамиз. Бу ўртамаздаги меҳрни янада оширади.

Ўзбекистонга келишимдан аввал ота-онам қарши бўлишди. Ҳали уйланмаганман, шунинг учундир, балки. Энди кўнгиллари тинч, чунки яхши инсонлар даврасидаман. Тез-тез гаплашиб тураман, уларни қаттиқ соғинганман.

— **Ўзбекистонда ўтган бир йил ҳақида ўйлаганингизда кўнглингиздан нималар кечади?**

— Ўзбекистон менда илк бор об-ҳавоси ёқимли, пойтахт кўчалари саранжом, тоза, чинорлари кучоғингизга сиғмайдиган сирли бир юрт таассуротини уйғотган. Кореяда шундай кенг қулоч ёйган улкан дарахтлар йўқ, тўрт томон баланд бинолар. Бу мамлакатнинг бепоён адирларига ҳам ҳавас қиламан.

Одамлари эса ширин сўзнинг шайдоси...

Илгари борган мамлакатларим билан солиштирган-

да, ўзбеклардек бир-бирига меҳр-оқибатли халқни кўрмадим. Бу диёрда яхши инсонларни кўп учратдим. Ўзбек дўстларим бор, улар

АН Кон Сан:

ЎЗБЕКЛАР — МЕҲРЛИ ХАЛҚ

яхши кунимда ҳам, ёмон кунимда ҳам мен билан бирга.

— **Ўзбек таомлари-чи, сизга ёқадими?**

— Ҳа, айниқса, палов. Ҳар шанба ходимлар билан ўтиришларда, байрамларда, албатта, шифохонамиз ошхонасига палов буюртираман. Кореяликлар аччиқни яхши кўришади. Паловни қалампир ёки кимчи билан ейиш маза!

Ўзбек таомномасидаги деярли кўп овқатлар ўхшаш. Масалликлар бироз фарқ қилади, холос. Айтгандай, кабоб ҳам ёқади. Ўзбек ошхонасига кирсам, биринчи буюртирадиганим — кабоб.

Меваларингиз жуда мазали, ҳам арзон. Кореяда битта тарвуз 20000 вон, қулупнайнинг 6 донаси эса 2500 вон. Бу юртни шириншакар мевалари учун ҳам яхши кўраман.



— **Энди касбингиз, айни фаолиятингиз тўғрисида гаплашсак.**

— Шифокорлик касбига ёшлиқдан меҳр берганман.

Dunyo bizni yangidan tanimoqda

Шарқ табобатида алоҳида ўрин тутадиган игна санчиб даволаш усули воситасида бажарилади. Кореянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ва KOICA ҳамкорлигида ташкил этилган бу масканда инсонпарварлик ёрдами сифатида ўзбек беморларига бепул хизмат кўрсатилади.

— **Игна санчиб даволаш усули ҳақида гапириб берсангиз...**

— Бир кунда олтмишга яқин беморни кўраман. Улар орасида бели, тиззаси оғриб келганлар кўпроқ. Игнотерапия — организмнинг юмшоқ тўқималарига махсус игналар санчиб да-

Уларнинг кўзидаги хурсандчиликни кўриб қувонаман, ичимда бекорга бу касбни танламаган эканман, дейман. Мободо, қайта туғилсам, яна шифокор бўлган бўлардим.

— **Ўзбекистоннинг қаерларида бўлдингиз? Эса қоларли воқеалар бўлгандир...**

— Наманган, Андижон, Ангрен, Самарқанд, Нукус шаҳарларига иш юзасидан, Қарши, Фарғона, Бухорога эса сайёҳ бўлиб бордим. Водий гўзал тоғ тизмалари, чиройли манзаралари, танга даво ҳавоси, шаффоф суви билан ёдимда қолган. Нукус, Бухоро томонлардаги бепоён чўл-сахро, кенгликлар кишига ўзгача кайфият бағишлайди. Сахро шароити оғир, лекин қишлоқ одамлари яхши яшаши.

Қаршида энг гаройиби — тўйга таклиф этишди. Биз — чет элликларни алоҳида эҳтиром билан яхши кутиб олишиб, роса меҳмон қилишди. Тўйга бутун бир қишлоқ келаркан, тўй ҳам келин, ҳам куёвникида бўлгани учунми, менга жуда ажойиб туялди. Ўзбекларнинг тўй маросимлари мени ҳайратда қолдирди.


— **Бўш вақтингизни қандай ўтказасиз?**

— Китоб ўқийман, мусиқага меҳрим бўламан. Саксофон чаламан, голф ўйнайман. Бу ўйин қизиқарли, лекин кўп вақтни олади.

Баъзида ўзбек тилида кўшиқ эшитаман. Сизлар мақом деб атайдиган кўшиқлар жуда оғир, лекин кишига ўзгача кайфият бағишлайди. Ўйлаб қарасам, ўзбек тили ширали тил, "Ассалому алайкум", "Раҳмат", "Яхши" каби сўзларни билламан, бу сўзларни беморларим кўп такрорлашганидан ёдимда қолган. Сентябрда чет элликлар учун алоҳида курс очилар экан. Насиб қилса, ўзбек тилини ўрганишга қаттиқ киришмоқчиман.

Рахшона ТОШПҮЛОВА

Шимолий Муз океанидаги улкан музликлар глобал иссиқ туфайли эриб кетаётгани ҳақидаги гап сўзлар кеча пайдо бўлган эмас. Бу борада олимлар ташвишда эканини бир неча йиллардан бери таъкидлаб келишадиган эди. Эндиликда эса океан сувларидаги карбонат ангидрид концентрацияси энг



ОКЕАНДАН НАЖОТ ЙЎҚ (МИ?)

юқори кўрсаткичга етиши мумкинлиги ҳақида гапирляпти. Ўз навбатида, мазкур ҳолат бундан буёғига океан атмосферадаги ортикча карбонат ангидрид учун «табиий омбор» бўла олмаслигини кўрсатади, деб ёзади «Нейчэ Ньюс» нашри.

Шу пайтгача кўплаб иқлимшунос олимлар Шимолий Муз океани муз қопламидан «ҳалос» бўлиши туфайли ҳаводаги газни ўзига юта бошлашига умид қилаётганди. Мазкур қараш таърифдорлари ўз назариясини океан сувида карбонат ангидрид миқдори жуда камлиги, унинг паст ҳарорати эса газни эришига туртки бўлиши билан изохламоқда. Шу билан бирга, куёш нурларининг сувдаги фитопланктон-

ларга таъсири натижасида фотосинтез жараёни тезлашиб, ушбу микроорганизмлар томонидан карбонат ангидрид ютилиши ҳам қутилган.

Лекин Жоржия университети профессори Вэй Цзюндай раҳбарлигидаги бир гуруҳ тадқиқотчилар қутилаётган ҳолатлар юз бермаслигини илк бор асослаб берди. Бунда улар Шимолий Муз океанининг ғарбий қисмида амалга оширган изланишлари натижаларига таянган. Жараёнда олимлар музлар жадал равишда эриётган мазкур ҳудуддаги карбонат ангидрид концентрацияси кўрсаткичларини келтирган.

— Биз океан сувларида бу газ миқдори фақат маълум кичик ҳудудда — қирғоқ бўйи сувлари океanning туби билан чегарадош бўлган жойдагина —

атмосферага нисбатан кам эканини аниқладик, — деди бу борада тадқиқотчи. — Бу ерда кўрсаткич 120-150 микропаскалга тенг бўлса, айни пайтда атмосферадаги газ концентрацияси 380га етади. Нисбатан чуқурроқ жойларда унинг миқдори 375ни кўрсатиши эса океан сувларида карбонат ангидриднинг эриши имконияти йўқлигидан далolat беради.

Шунингдек, мутахассислар океан сувларидаги фитопланктонларнинг биологик маҳсулдорлигини баҳолашга эришган. Аниқланишича, бу кўрсаткич Шимолий Муз океанида озиклан-тирувчи моддалар камлиги туфайли жуда паст. Айни пайтда қатор олимлар хитойлик тадқиқотчиларнинг мазкур хулосаларини шубҳа остига олмоқда. Масалан, Нью-Йоркдаги Колумбия университети геокимё соҳаси олими Боб Андерсон океандаги карбонат ангидрид миқдори жуда тез ўзгариб турувчи катталик экани ва у мавсумдан мавсумгача фарқлинишини таъкидламоқда.

Н. ИБРОХИМОВА тайёрлади.

РОБОТЛАР КЎМАККА КЕЛАДИ(МИ?)

Бугун Мексика кўрфазида содир бўлган экологик ҳалокат — нефтнинг денгизга ёйилиши ҳолатидан кўрилган зарар тахмин қилингандан ҳам каттароқ экани таъкидланмоқда. Бундай тўхтама келишга ҳудудни тозалаш ишларининг тобора қийинлашаётгани туртки бўляпти, деб хабар берди «Сайнс.км» манбаси.

Мазкур масалага самарали ечимни излаш эса глобал миқёсдаги ишга айланди. Шундан келиб чиққан ҳолда, «Глобал Респонс Групп» компанияси сув юзасига тарқалган нефтни йиғиб олиш учун махсус роботларни яратиб тақдирини ўртага ташлади. Унга кўра, нефтни йиғишга қаратилган роботлаштирилган тизим ҳавода ҳаракатланиб, ушбу вазифани бажариши режалаштириляпти. Қисқача «АЭРОС» деб номланган ушбу тизим санокли вақт ичида кўрфазни нефтдан тозалашни кутилмоқда.

— Умуман олганда, «АЭРОС» — самолётлар ёрдамида сув юзасига тушириладиган роботлар тизими бўлиб, машиналар сут сепараторига ўхшаш ускунадан фойдаланади. Ускуна эса ўз навбатида, марказдан қочирма куч таъсирида қоришмани механик равишда ажратиб беришда кўл келади, — дея янги лойиҳага изоҳ берди компания вакили Дик Харрисон. — Янги тизимнинг ишлаши куйидаги тартибда кечади: нефть ёйилган ҳудудга самолётдан робот туширилади ва у «ЖИ-ПИ-ЭС» ускунаси ёрдами мой бор сувни йиғиб олишга киришади. Сўнгра йиғиб олинган суюқлик тозаланади ва яқунда 99 фоиз тоза сув ажратиб олинади.

Жараёнда тўпланган нефть контейнерларга йиғилади ва кейинчалик қайта ишланади. Компания вакилларининг сўзларига қараганда, ҳар бир робот бир дақиқада 3 000 галлонгача нефтни тозалаш қувватига эга бўлади. Ҳозирги пайтда мазкур истиқболли лойиҳа борасидаги музокаралар давом этмоқда.



«ХАЛҚА»СИ ЙЎҚ ЭКАН!

Астрономлар гуруҳи «Кассини» космик кемасидан янги маълумотларни қабул қилгач, 2008 йили ўртага ташланган бир фикрни рад этиш учун асосга эга бўлди. Унга кўра, Сатурннинг катталиги бўйича иккинчи ўринда турадиган йўлдоши Реяда «ҳалқа» борлиги таъкидланганди. Бироқ эндиликда мазкур қараш ҳақиқатга яқин эмаслиги аниқланди, деб ёзади Корнель университети наشري.

Умуман, икки йил олдин илгари сурилган ушбу қараш самовий зонднинг 2005 йилги парвози давомида олинган маълумотлар асосида юзага келган. Ушунда «Кассини» Рея яқинида электронлар оқимининг калданиги кўриб чиқилган.

Илмий фараз қанчалик асосли эканини аниқлаш мақсадида олимлар 2008-2009 йиллар «Кассини» самовий зонди ёрдамида олинган 65та суратни ўрганишган. Тадқиқотчиларнинг айтишича, расмлар шундай бурчак остида олинганки, бунда тахмин қилинаётган ҳалқа (агар у чиндан ҳам мавжуд бўлса) юзаси Кюёш нурларида акс этиши зарур эди. Улар нурлар туфайли акс этган катта ва кичик объектларни топишга уринишган. Тадқиқот якунида эса мутахассислар Рея яқинида ҳалқа шаклига эга биронта ҳам самовий объектни аниқлай олмаганини маълум қилишди. Қизиги, натижалар туфайли тахминнинг рад этилиши эндиликда 2008 йили қайд этилган ҳодисалар масаласини яна очиқ қолдирмоқда.



ҚАДИМИЙ МАЖМУА ТОПИЛДИ

Эроннинг шимоли-ғарбида, Ҳомидон шаҳридан 20 километр узоқликда археолог олимлар бир-бири билан туннеллар орқали боғланган йигирма бешта хонадан иборат ерости мажмуасини топишди. Мажмуа 4-6 метр чуқурликда жойлашган. Тадқиқотчилар мазкур иншоотдан нотинчлик пайтида бошпана сифатида фойдаланилган, деган фикрни илгари суришмоқда, деб ёзади «Дейли Мэйл».

Алоҳида таъкидлаш зарурки, айни кунда археологлар мажмуага кириш йўлини излаш билан банд.

Шу билан бирга, ҳозирда туннелларни яхшироқ ўрганиш, айни пайтда уларга зарар етказмаган ҳолда изланиш олиб бориш мақсадида ҳаво алмаштирувчи қурилмалар ўрнатилди. Хона деворларида олимлар чироқ ёки шамдонлар учун мўлжалланган махсус чуқурликларни ҳам аниқлашган.

Қолаверса, тошдан ясалган бир қанча тақинчоқлар ва майда иш қуроллари аниқланган. Ҳозирча мутахассислар мажмуа Мидия (эрамиздан аввалги 728—550 йиллар) ёки Парфия давлати (милоддан олдинги 248 — милодий 224 йиллар) даврида қурилган, деган фикрда.




ЯГОНА СУВОСТИ ДАРЁСИ

Буюк Британиядаги Лидс университети олимлари оламшумул янгиликни эълон қилишди. Аниқроғи, улар Қора дарё тубида дунё океанлари тизимидаги ягона ҳисобланган сувости дарёни топишган. Буни мутахассислар махсус бошқариладиган субмарина — сувости кемаси ёрдамида амалга оширишнинг уддасидан чиқишди.

Ўзига хос табиий объект узунлиги салкам 67 километр, эни — 1 километрдан ортиқ. Сувости дарёсининг оқим тезлиги соатига 7,5 километрга тенг бўлиб, бу кўрсаткич унинг Темза дарёсидан ҳам 350 баробар тез оқишини кўрсатади.

Бир қарашда, у даражада катта кўринмайдиган ушбу дарёнинг оқаётган суви ҳажми ҳайратланарли — секундига 22 минг куб метр. Мутахассисларнинг фикрича, агар бу дарё ер юзасида бўлганида у юқоридаги кўрсаткич, яъни ҳажми бўйича дунёда олтинчи ўринда бўлар эди.

Сувости дарёси Мармар денгизи шўр сувининг Босфор кўрфази орқали нисбатан чуқурроқ бўлган Қора дарёга ўтиши натижасида ҳосил бўлган. Оқибатда энг чуқур жойи 35 метрга етадиган ўзига хос тарнов вужудга келган. Эътиборлиси, дарёнинг остонатош (сув тагида кўндаланг кўтарилиб турган тош дўнглик) ва шаршаралари, соҳиллар ҳамда унинг чегараларини аниқ белгилловчи қайир(чет)лар ҳам вужудга келган.



АҚЛИЙ ФАОЛЛИК ҚАЧОН БОШЛАНАДИ?

Инсон йиллар ўтгани сари ақллироқ бўлиб, шунга мос равишда мия имкониятлари ҳам кенгайиб боради. Маълум бўлишича, миyaning энг фаол ишлаш даври 50-70 ёшларга тўғри келади. Океанортилик олимларнинг мазкур хулосаси инсон миясининг ривожланиш имконияти ва қонуниятлари борасидаги таsavvurlar оламида кутилмаган тўнтариш қилди. Уларнинг мавзуга бағишланган мақоласи «Сайнс» журналинда чоп этилди.



Таниқли тадқиқотчи Барбара Стоуч излашида интеллектуал имкониятларнинг энг фаол даври 50-70 ёшга тўғри келиши таъкидланади. Мазкур тадқиқот ёш ўтгани сари бош мия ҳужайраларининг нобуд бўлиш жараёни кучайиб бориши (30 фоизгача) туфайли ақлий фаоллик даражаси ҳам сусайиб боради, деган аъъанавий қарашни инкор этди. Чунки чуқур ва кенг қамровли ишлар йиллар ўтгани сари мия нейронлари нобуд бўлмаслигини кўрсатди. Аксинча, одам янги билим олишга интилмаса, ақлий меҳнат билан жиддий шуғулланмаса, уларнинг ўртасидаги

ўзаро алоқа йўқолиши кузатилади.

Яна бир аҳамиятли жиҳати: одам улғайгани сари мияда бир нейрондан иккинчисига сигнал узатиш жараёнини тезлаштирувчи махсус модда — миелиннинг ортиб бориши қайд этилган. Бунинг таъсирида умумий интеллектуал қобилият ўртача кўрсаткичга нисбатан 3 000 маротаба ортиши мумкин экан! Энг қизиги, миелиннинг энг кўп ишлаб чиқарилиши даври 60 ёшга тўғри келади. Шунингдек, тахминан 50 ёшларга келиб инсон битта масалани ечиш учун бош миyaning иккала яримшарини ҳам бир пайтда ишлатиш қобилиятига эга бўлади. Улғайгани сари руҳий зарбаларга чидамлилиги ортади, кучли ҳиссий ҳаяжон ёки босим пайтида ҳам самарали фаолият юритиш фазилати шаклланади.

— Бир неча ўн йиллик даврни орта қолдирган инсон миясини анча чидамли ва оқил бўлиб боради. Айнан шунга асосланиб биз оқиллик тушунчаси ҳақида гапирамиз, — деди бу борада Калифорния университети профессори Дилип Жейст.


«САМОВИЙ СИЛКИНИШЛАР» НИМА?

Океанорти Аэронавтика ва самовий тадқиқотлар миллий агентлиги мутахассислари «ТЕМИС» туркумидаги бешта сунъий йўлдош орқали ўзига хос самовий «табиий офат» турини кузатишга муваффақ бўлди. Улар мазкур ҳолатни «самовий зилзила ёки силкиниш», деб атадилар. «Юниверс Тудэй» портали бу ҳақида маълум қилди.

— Маълумки, сайёрамиз магнит майдонга эга бўлиб, у Куёшдан келаётган зарядланган зарраларни қайтарган ҳолда Ерни кучли самовий радиациядан ҳимоя қилади, — деди бу борада тадқиқотчи Бред Купер. — Куёш шамоли натижасида эса Ернинг магнит майдони сайёранинг тунги томонидан бироз чўзилган шаклга келган ва у илмий тилда «дум» қисми деб юритилади. Унинг сайёрамизга энг яқин ҳудуди магнит сфера ҳисобланади.

Олимнинг сўзларига қараганда, самовий силкиниш Ер магнит сферасидаги зилзилага ўхшаш ҳолат бўлиб, у «магнит майдон дум» қисмида ионли тўлқинлар шаклида юзага келади. Чунки баъзан бу қисмининг босим остида чўзилиши ёки қисқариши кузатилади. Бунинг оқибатида Куёш шамоли туфайли олиб келинган зарядланган зарралар ҳосил қилган тўлқинлар ҳаракати вужудга келади ва улар Ер томон ҳаракатланади. Йўл-йўлакай тўлқинлар магнит майдон бўйлаб тарқалади, магнит сферага етиб бориб, у ерда самовий зилзилалар кузатилишига туртки бўлади.

Н.РУСТАМБЕКОВА тайёрлади.



Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши жамоаси Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири ўринбосари А.Холбековга падари бузруквори

ЖУМАНАЗАР отанинг

вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳар педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти раҳбарияти ва жамоаси Халқ таълими вазири ўринбосари А.Холбековга падари бузруквори

Жуманазар ХОЛБЕКОВнинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

«Соғлом авлод учун» журнали таҳририяти жамоаси Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири ўринбосари А.Холбековга отаси

ЖУМАНАЗАР отанинг

вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

Эндигина 15 ёшни қаршилаган Миразим Тожибоев миллий кўшиқларимизни куйлаб, ҳофизларимизнинг анъанасини давом эттириб келаётган ёшларимиздан бири. Миразим кўлига дуторни олиб, сеvimли санъаткоримиз Ориф Алимахсумовнинг "Жоним фидо" сини оғир, вазмин куйлаганда, овозининг жаранги, ўзини тутиши, авжига чиққандаги эркин товуши, усули устозни айнан эслатиб, мени лол қолдирди.

Тошкент шаҳар Учтепа туман халқ таълими бўлимига қарашли 28-музыка ва санъат мактабида Миразим каби ёш истеъдод соҳиблари музыка илмининг сир-асрорларини ўрганиб келмоқда.

— Юртбошимизнинг "2009 — 2014 йилларда музыка ва санъат мактаблари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига биноан таълим муассасамиз замонавий музыка асбоб-ускуналари билан жиҳозланиб, шароитлар яхшиланди, — деди илм маскани директори Муҳаббатхон Иномова. — 200 нафарга яқин ўқувчи танлов асосида қабул қилиниб, уларга санъат ва музыка асосларини пухта биладиган олий тоифали устозлар

МУМТОЗ НАВОЛАРНИНГ ЖАЖЖИ ШАЙДОСИ

— дутор чалиш ва мақом бўйича Фотима Отабоева, рубоб чалиш ва куйлаш бўйича Нодира Тўхтасинова, фортепьяно йўналишида Нодира Мўминова каби ўз касбига фидойи ўқитувчилар сабоқ бермоқда. Бу устозларнинг саъй-ҳаракатлари сабаб мактабда Миразим Тожибоев сингари иқтидор эгалари кўпчиликни ташкил этади.

Мактабда дутор ва мақом йўналишидан сабоқ бераётган Фотимахон Отабоева Миразим ҳақида куйидагиларни сўзлаб берди:

— 4 йил аввал қабул танловига дутори билан навбат кутиб ўтирган паст бўйли, нигоҳи ўткир, кўринишидан камгап болакайга бир назар ташлаб, ичимда: "Умидли дунё, бу болакай ҳам ҳамма қатори ўзини синашга келибди-да" деб, ҳайъат аъзолари қаторидан жой олган эдим. Навбатчи ўқитувчи эшикни оҳиста очиб, «Миразим Тожибоев кирсин», деди. Келмасданок ду-

торини сошлаб кўйган кичик жуссали, уятчан Миразим ўнг кўлини кўксига кўйиб, саломлашди. Ҳайъат аъзоларига бир-бир кўз югуртиргач, дуторини бир чертиб, "Рухсат берсангиз, мумтоз кўшиқлардан "Жоним фидо"ни куйлаб берсам", деди. Дутор пардаларига узун бармоқларини оҳиста босганда зал узра майин куй янгради. Авж пар-

даларини сирли бармоқларини босиб, гоҳ югуртириб чалганда, ҳайъат аъзолари бир-биримизга маъноли қараб кўйдик. Ўшанда бу болада мумтоз кўшиқчиликка қизиқиш юқори эканини сезганман. Миразим Тожибоев музыка ва санъат мактабига юқори балл билан қабул қилинди. Шундан бери кўпгина кўрик-танловларда мактабимиз шарафини ҳимоя қилиб келмоқда.

Миразимдан кўшиқчиликдаги устозлари ва қатнашган танловлари ҳақида сўрадик.

— Аввало, мумтоз адабиёт ихлосманди бўлган онажонимнинг айтган ғазаллари, аллалари, дутор чертишни хуш кўрадиган хунарманд тоғамга қизиқиб шу йўлни танладим. Қолаверса, ҳозирги ўқитган музыка ва санъат мактабида дутор чалиш, кўшиқ куйлаш усулини ўргатаётган устозларимдан миннатдорман. 2007 йили республика миллий

кўшиқлар фестивалида 1-ўринни кўлга киритиб, 1-даражали дипломга сазовор бўлдим. 2010 йил март ойида "Муҳиддин Қори Ёқубов номидаги танлов"да фаол қатнашиб, яна 1-ўринни эгалладим, — деди М.Тожибоев.

Санъат йўлини танлаган Миразим "Куйгай", "Жонон бўламан"ни маҳорат-ла куйлаганда кўз ўнгида унга дутор чертишни ўргатган тоғаси Насибжон Азимбоев, "Парвона", "Ўзбекистоним" кўшигини куйлаганда музыка ва санъат мактабидаги устози Анвар Расулов, "Инонма", "Жонон бўла-



ман деб"ни куйлаганда Нодира Тўхтасинова, "Жоним фидо"ни ўргатган Маъруф Алимахсумовнинг меҳнатлари ва унутилмас қиёфалари кўз ўнгида гавдаланади. У ҳар бир ютуғида ушбу устозларининг меҳнати синганини мамнуният билан тилга олади.

Мамлакатимизда иқтидор ва қизиқишни юксалтирадиган музыка ва санъат мактабларига берилаётган эътибор, яратилаётган шароитлардан руҳланган ёшларимиз ҳали кўплаб марраларни забт этиши, шубҳасиз.

Турсунхўжа АЗЛАРХОНОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи

2010-yil — Barkamol avlod yili

ТАНЛОВГА ТАКЛИФ

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги 2010 йилда умумий ўрта таълим мактаблари учун умумтаълим фанларидан узвийлаштирилган ўқув дастурларини амалиётга жорий этиш бўйича куйида номлари келтирилган методик тавсиялар ва тақвим-мавзу режалари намуналарини чоп этиш бўйича танлов эълон қилади:

1	Табиат ва география	60/84, 1/16	32-бет	10000 нусха
2	Она тили	60/84, 1/16	52-бет	10000 нусха
3	Адабиёт	60/84, 1/16	72-бет	10000 нусха
4	Ўзбек тили	60/84, 1/16	40-бет	10000 нусха
5	Иқтисодий билим асослари	60/84, 1/16	12-бет	10000 нусха
6	Рус тили ва адабиёти (таълим ўзбек ва қардош тилларда олиб бориладиган мактаблар учун)	60/84, 1/16	52-бет	10000 нусха
7	Рус тили (таълим рус тилида олиб бориладиган мактаблар учун)	60/84, 1/16	36-бет	10000 нусха
8	Литература	60/84, 1/16	32-бет	10000 нусха
9	Инглиз тили	60/84, 1/16	52-бет	10000 нусха
10	Француз тили	60/84, 1/16	56-бет	10000 нусха
11	Немис тили	60/84, 1/16	44-бет	10000 нусха
12	Кимё	60/84, 1/16	44-бет	10000 нусха
13	Информатика	60/84, 1/16	16-бет	10000 нусха
14	Математика	60/84, 1/16	100-бет	10000 нусха
15	Биология	60/84, 1/16	36-бет	10000 нусха
16	Миллий истиқлол гоёси ва маънавият асослари	60/84, 1/16	56-бет	10000 нусха
17	Тарих	60/84, 1/16	32-бет	10000 нусха
18	Хуқуқ	60/84, 1/16	12-бет	10000 нусха
19	Физика	60/84, 1/16	40-бет	10000 нусха
20	Тасвирий санъат	60/84, 1/16	20-бет	10000 нусха
21	Чизмачилик	60/84, 1/16	12-бет	10000 нусха
22	Музыка маданияти	60/84, 1/16	24-бет	10000 нусха
23	Меҳнат таълими	60/84, 1/16	44-бет	10000 нусха
24	Жисмоний тарбия	60/84, 1/16	72-бет	10000 нусха

Танловда юқоридаги методик тавсиялар ва тақвим-мавзу режалари намуналарини арзон ва сифатли чоп этиш имкониятига эга бўлган юридик шахслар, жумладан, кичик бизнес субъектлари — мулкчилик шаклидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган корхоналар иштирок этишлари мумкин.

Талабгорлар танлов комиссиясига тижорат таклифлари билан бирга куйидаги ҳужжатларни ёпиқ конвертларда тақдим этишлари керак:

- талабгорнинг банкротлик ҳолатида эмаслигини тасдиқловчи Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳудудий бошқармаси томонидан берилган маълумотнома;
- талабгорнинг қайта ташкил этиш ёки тугатилиш ҳолатида эмаслигини тасдиқловчи давлат рўйхатга олиш идорасидан маълумотнома;
- талабгорнинг юридик шахс эканлиги тўғрисида давлат рўйхатга олиш идоралари томонидан берилган гувоҳноманинг нотариал идоралар томонидан тасдиқланган кўчирма нусхаси;
- талабгорнинг бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган давлат солиқ инспекцияси маълумотномасининг асл нусхаси;
- эълон берилган даврда талабгорнинг картотекаси бўйича (К-2) асосий ва иккиламчи ҳисоб рақамида қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида банкнинг ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган маълумотномасининг асл нусхаси.

Куйидаги юридик шахслар танловда иштирок этишга қўйилмайди:

- қайта ташкил этиш, тугатилиш ёки банкротлик арафасида турган;
- илгари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан тузилган шартномалар бўйича қабул қилинган мажбуриятларни зарур даражада бажармаган;
- тендер эълон қилингунга қадар таъсис этилганига 6 ой бўлмаган;
- «Буюртмачи» билан суд ёки ҳакамлик муҳокамасида иши кўриб чиқилаётган;
- тижорат ва молия кўрсаткичлари бўйича танлов комиссиясининг талабларига жавоб бермайдиган ташкилотлар ва фирмалар.

Талабгорлар Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Таълим стандартларини такомиллаштириш ва илғор педагогик технологияларни жорий этиш бўлимидан маҳсулотларнинг техник талабларини ва уларнинг энг юқори нархлари тўғрисидаги кўшимча маълумотларни олишлари мумкин. Маълумотларни олиш учун талабгорлар танлов таклифлари топширишнинг охириги кунига қадар ҳар куни (якшанба кунларидан ташқари) Тошкент вақти билан соат 10:00 дан 17:00 гача куйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги
Таълим стандартларини такомиллаштириш ва илғор педагогик
технологияларни жорий этиш бўлими
Манзил: 100159, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-уй.

3-қават, 321-хона
Телефон: (+998 71) 239-43-26, 239-40-94,
Факс: (+998 71) 239-40-94

Танлов таклифлари 2010 йил 10 август соат 14:00 га қадар юқоридаги манзилга топширилиши шарт.

ҲИНД ДИЁРИДАГИ УЛКАН ҒАЛАБА

Ҳиндистонда энгил атлетика бўйича ўтказилган халқаро турнирда ("Asian all stars athletics") ҳамюртларимиз ҳам муносиб иштирок этишди ва диёримизга жами 12та медаль билан қайтиб келди.

Спортчиларимиз орасида кўзга кўринган энгил атлетларимиздан — Гўзал Хуббиева, Надежда Дусанова ва Ринат Тарзуманов эришган ютуқ таҳсинга сазовордир. Боиси, улар умумжамоага энг қимматли очколарни тақдим этувчи олтин медаль соҳибу соҳибаларига айланмишди.

Хусусан, Дохада ўтган Осиё ўйинлари голиби Гўзал Хуббиева 100 метр масофага югуриш ботида барча рақибларини ортда қолдирди ва марра чизигини ҳаммадан олдин кесиб ўтиб, мусобақанинг яққол фаворити эканини исботлади.

Баландлиқка сакраш бўйича ўзига хос рекорд натижани қайд этган, аниқроғи, 1,95 метрлик масофани забт этган Надежда Дусанова ҳам барча рақибларини энгиб, олтин медаль эгасига айланди.

Найза улоқтириш баҳсларида 77, 48 метр-ни "ошиб" ўтишга эриш-

ган Ринат Тарзуманов умумжамоамизга учинчи олтин медални ҳада қилди.

Бундан ташқари, финал босқичида бироз омадсизликка учраган вакилларимиздан: Юлия Тарсова узунликка сакраш борасида 6,49 метр, ядро улоқтиришда Софья Бурҳанова 16,06 метр, уч ҳатлаб сакрашда Александра Котлярова 13,49 метр, Наталья Асанова 400 метрга тўсиқлар оша югуриш ботида 59:17 сониялик вақт билан, 1500 метрга югуришда Екатерина Тунгускова 4:26:01 сония билан, 5000 метрга югуришда Ситора Ҳамидова

16:51:08 сония билан кумуш медалга сазовор бўлди.

Шунингдек, Светлана Радзивил, Анастасия Прошкина ва Е.Тунгускова жамоамиз умумжамоамизга бронза медалларини ҳам туҳфа қилди.


Шундай қилиб, Ҳинд диёридан улкан муваффақият билан қайтган энгил атлетикачиларимиз 3та олтин, 6та кумуш ва 3та бронза медалга эгаллик қилдилар.

Yengil atletika



Кувонарли жиҳати шундаки, вакилларимиз мазкур улкан зафарга Европа қитъасида энгил атлетика бўйича чемпионат қизғин палласига кирган бир вақтда эришди. Кўҳна қитъанинг Барселона шаҳрида кечаётган баҳслар бутун европаликлар кузатаётган асосий воқелик ҳисобланади. Халқаро майдонларда юртимиз шаънини муносиб ҳимоя қилган энгил атлетикачиларимизнинг келгуси фаолиятлари ҳам омад тилаймиз.

Зоҳиджон ХОЛОВ



ЭРИКССОН ЯНА ИШСИЗ

Швециялик мураббий Свен-Ёран Эрикссон футбол бўйича Кот-д'Ивуар миллий терма жамоаси билан тузилган шартномани бекор қилишга мажбур бўлди, деб ёзди "Ассошэйтед Пресс" ахборот агентлиги.



Маълум бўлишича, Африка мамлакати футбол федерацияси мутахассисга янги шартномани таклиф қилган, аммо келишувнинг иқтисодий томони Эрикссонни мулақо қилишга қарши қўйди.

«Эрикссон терма жамоага қайта мураббийлик қилмайди. У биз учун энг яхши номзод эди, лекин музокаралар биз кутгандек ечим топмади», — деди

федерация президенти Сори Диабате.

ЖАРда ўтказилган 19-жаҳон чемпионатида Кот-д'Ивуар жамоаси гуруҳ босқичидан ҳам чиқолмади ва жамоа фақатгина КХДР устидан 3:0 ҳисобида зафар кучишга муваффақ бўлди, холос. Диабатенинг фикрича, терма жамоанинг янги устози номи 10 август куни Лондон шаҳрида Италия билан кечадиган ўртоқлик учрашуви арафасида маълум қилинади.

УЧ ОЙДАН СЎНГ

Дунёнинг собиқ биринчи рақамли теннисчиси россиялик Динара Сафина кўпдан буён муҳлис ва мутахассислар эътиборидан четда қолиб келаётган.

Ниҳоят у уч ойлик улкан "танаффус"дан кейин ўзининг навбатдаги ғалабасини нишонлаш баҳтига муяссар бўлди. Сан-Диего шаҳрида бўлиб ўтаётган нуфузли халқаро турнирда Сафина (айни дамда у жаҳон теннисчилари рейтингда 35-рақамда қайд этилган) украиналик спортчи Алена Бондаренкога қарши кортга чиқди. Икки сет давом этган 1 соату 39 дақиқалик қизиқарли баҳсда 6:1, 7:6 (7:2) ҳисоблари таблода порлади. Эсликчи ўтади, мазкур мусобақанинг ютуқ жамғармаси 700 минг долларни ташкил этади.



Бунгача Динара қаторасига бешта турнирда қатнашиб, бирортасида ҳам голиблик наҳидасини сурмаганди. Бунга унинг жароҳати сабаб бўлган. Ҳозир ўзини анча яхши ҳис қилаётган Сафинанинг навбатдаги рақибаси польшаллик Агнешка Радванска (4-рақамли теннисчи)дир.

УЛАР ҲАМ ЛОНДОНГА БОРИШАДИ

Беларуслик ажойиб спортчи Сергей Мартинов Германиянинг Мюнхен шаҳрида кичик калибрили милтиқда 50 метрга ётган ҳолда ўқ узиш бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида шахсий кўрсаткичда олтин медалга сазовор бўлди.

Мартинов квалификация ва финал босқичлари натижаларига кўра, жами 703.9 (599+104.9) балл жамғаришга муваффақ бўлди ҳамда 2012 йили Англия пойтахти Лондон шаҳри мезбонлик қилувчи 30-Олимпиада ўйинлари йўланмасини ҳам қўлга киритди. Бу борада иккинчи ўрин француз спортчиси Валерьян Совпланга насиб этди, у 703.8 балл тўплашга эришди. Кучли учлини тўлдирган бронза медали соҳиби америкалик Мэттью Эммонс (702.2 балл) бўлди. Мазкур икки мерган ҳам Лондонга борадиган бўлди.

Беларуслик спортчи худди шу йўналишда аввал, яъни 2006 йили Хорватиянинг Загреб шаҳрида ўтган биринчиликда ҳам жаҳон чемпиони бўлган.

ШУМАХЕР УЗР СЎРАДИ

«Формула-1» бўйича етти карра жаҳон чемпиони деган шарафга сазовор бўлган афсонавий пойгачи Михаэль Шумахер рақиб Рубенс Баррикеллодан Венгрия Гран-приси вақтида қилган кўполлиги учун узр сўради.

«Рейтер» агентлигининг маълум қилишича, Шумахер ишлатган «хурмача қилиқ» туфайли бразилиялик спортчи жиддий жароҳат олиши ва ҳатто ҳалок бўлиши ҳам мумкин эди. Пойга ниҳоясида Шумахер тўсатдан Баррикелло йўлига бурилиши натижасида Рубенс йўл четига ўрнатилган бетон тўсиққа урилиб кетишига бир баҳа қолди. Ушбу ҳолат назоратчилар томонидан ўрганилиб, вазият «Феррари» жамоаси аъзоси фойдасига ҳал бўлди. Шумахер эса жарима сифатида келгуси босқични 10та ўрин пастдан бошлайдиган бўлди. «Видеозувни кўрдим... Ушбу ҳодиса юзасидан рақибимдан узр сўрайман», деди Шумахер ўз интервьюсида.

Шаҳина ЖҲРАЕВА тайёрлади.

ХАБАРЛАР

Испаниянинг Ситжес шаҳрида 120 нафардан ортик шахмат усталари қатнашган «Вила де Ситжес» номи халқаро турнирда ватандошимиз Алексей Барсов 2-ўринни баъд этди. 9-турда А.Барсов германиялик Маркус Лааммерсга қарши оқ доналарда ўйнаб, ишончли ғалабага эришди ҳамда етти очко билан кумуш медалга сазовор бўлди.

Козоғистонда теннис бўйича хотин-қизлар ўртасида Халқаро теннис федерацияси (ITF) мутасоабалари тақвимида киритилган мусобақанинг жуфтлик беллашувларида муваффақиятли қатнашган Альбина Хабибулина бош совринни қўлга киритди.

Бош соврин учун кечган финал матчида Альбина Хабибулина ва Ксения Палкина жуфтлиги украиналик Юлия Бейгелзимер ва британиялик Эмили Веблей Смитга қарши кортга чиқди ҳамда 6:4, 6:4 ҳисобида муваффақиятга эришди.

МИНТАҚАВИЙ БОСҚИЧ ЯКУНЛАНДИ

Самарқанд шаҳридаги «Локомотив» ўйингоҳида 11-12 ёшдаги маҳалла ўсмирлари ўртасида анъанавий «Футболимиз келажиги» республика турнирининг минтақавий IV босқич гуруҳ ўйинлари бўлиб ўтди. Беллашувларда Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Сурхондарё, Қашқадарё, Навоий ҳамда Самарқанд вилоятининг голиб жамоалари иштирок этди.

Шуниси эътиборлики, кескин беллашувлар асосида ўтган мусобақаларда ҳар бир худуд жамоаси ўзига хос ўйин кўрсат-

та олди. Яъни улар ўзларида шаклланган миллий маҳорат мактаби ютуқларини намойиш эта олишди. Шундай қилиб,

минтақавий босқич ўйинлари яқунларига кўра, Каттакўрғон туманидаги Мелихўжа маҳалласи ўсмирлари жамоаси 1-ўринни эгаллади. Қарши шаҳридаги Каманди, Нукус шаҳридаги 25-марказ маҳалла ёшлари фахри 2, 3-ўринларга сазовор бўлди.

Узун туманидаги Маладиён, Нурота туманидаги Оқмасжид, Когон

туманидаги Саёзпоён ҳамда Янгибозор туманидаги Очақалъа маҳаллалари ёш футболчилари ҳам қаторийли ўйинлар кўрсатди.

Энди Мелихўжа (Самарқанд) ҳамда Каманди (Қашқадарё вилояти) маҳаллалари жамоалари турнирнинг республика босқичида ўз маҳоратларини намойиш этади.

Ҳаким ЖҲРАЕВ, «Ma'rifat» муҳбири

ДЕРБИДА ДУРАНГ

Дам олиш кунлари футбол бўйича Ўзбекистон чемпионатининг Олий лига учрашувлари иккинчи давраси старт олди. 14-турни бошлаб берган «Қизилқум» ва «Пахтакор» қарама-қаршилигида пойтахтликлар 0:1 ҳисобида ғалаба қозонди ва ниҳоятда қимматли очкони қўлга киритди.



Стевица РИСТИЧ

Водий дербиси дея номланган турнирнинг марказий ўйинларидан бири — «Нефтчи» ҳамда «Анджон» муҳорабасида жанговар дуранг (1:1) қайд этилди. Наманганнинг «Навбахор» клуби ўз уйида Тошкент вилоятининг «Олмалик» жамоасини қабул қилиб, қутилмаганда 0:1 ҳисобида мағлубиятга учради.

Олий лигада ишонч билан карвонбошилиқ қилаётган «Бунёдкор» жамоаси эса ўз уйида «Хоразм»ни синонга чорлади ва 4:1 ҳисобидаги йирик ғалабасини тантана қилди.

Самарқанднинг «Динамо»си муборақлик футболчилардан иборат «Машъал» билан 1:1 — дуранг ўйнаган бўлса, Тажмурод Агамуродов раҳбарлигида майдонга тушган «Локомотив» жорий йил кашфиёти «Шўртан»дан «калтак» еди — 0:1. Қолдирилган учрашувда йирик мағлубиятни тан олган «Насаф» мавжуд вазиятни тўғри баҳолаб, «Металлург»га қарши жиддийроқ руҳда тўп сурди ҳамда 2:0 ҳисобида устун келди.

14-турдан кейин чемпионат жадвалидаги кучли учликда ўзгариш кузатилмади: «Бунёдкор» (38 очко), «Пахтакор» (31) ва «Насаф» (27). Тўпурақлар рўйхатини С.Ристич («Бунёдкор») 10та гол билан бошқариб борапти.

МУҲБИРИМИЗ



Toshkent temir йўл texnikasi muzeyi ochiq osmon ostida tashkil etilgan. Bu erda turgan qator parovoz, teplovoz va elektrvoz vaгонlari shunchaki maket эмас, балки ҳақиқатан ҳам асримиз бошларида одамларнинг оғирини енгил, узоғини яқин қилган «темир тулпорлар»дир. Айни кунда музейда ўтган асрда ишлаб чиқарилган ана шундай тарихий 13та паровоз, 18та теплоvoz ва 3 дона электровоз вагонлари ҳамда таъмирлаш-қурилиш техникасининг энг ёрқин намуналари намойиш этилади.

Музей ходимларининг таъкидлашича, маскандagi энг "кекса" паровоз 1914 йилда ишлаб чиқарилган бўлиб, у меҳмонларда алоҳида қизиқиш уйғотмоқда.


Шунингдек, бу ерда оғирлиги 85 тонна «СУ-250-94», 1944 йили АҚШда ишлаб чиқарилган оғирлиги 110 тонна, узунлиги салкам 22 метрлик юк ташувчи «Еа-2371» (тезлиги соатига 70 км.), 1939 йили Прагада яратилган «Паровоз-Эр», 1961 йили ишлаб чиқарилган «Манёвр» тепло-

вози ва бошқа баҳайбат техника мўъжизаларини томоша қилиш мумкин.

Мазкур экспонатлар бир-биридан ишлаб чи-

Moziydan sado

қарилган вақти, қуввати, тезлиги ва бошқа хусусиятларига қараб фарқ қилади. Масалан, «Паровоз-Эр 722» 1939 йили Чехословакиянинг Прага шаҳрида ишлаб чиқарилган. «ТЭ-5200» бўлса, 1943 йили Германияда йиғилган. «Паровоз Эр 722»нинг қуввати 130, «ТЭ-5200»ники эса 160 от кучига тенг. Яна улар баландлиги, узунлиги ва филдираклар диаметри



қарли экскурсияларни ташкил этиш имкони яратилган. Музей ходимлари бу кичик экскурсион поезд кўпроқ мактаб

ёшидаги болаларнинг эътиборини тортишини таъкидлашди.

Яна бир аҳамиятли жиҳати: ўсиб келаётган ёш авлодда темирйўлчи касбига нисбатан қизиқиш ва ҳурмат ҳиссини уйғотиш, темир йўл тарихи тўғрисида кенгроқ билим беришни мақсад қилиб олган музейда мазкур йўналишда ўқув муассасаларида таҳсил олаётган ўқувчи ва талабалар амалий машғулотлар ўтказилади.

Музей ижтимоий-техник маданият объекти сифатида темирйўлчилар марказий маданият саройининг ташкил этувчи қисмидир. Бугун нафақат юртдошларимиз, балки хорижликларнинг ҳам қизиқишига сабаб бўлаётган Тошкент темир йўл техникаси музейи Техник музейлар бутунжаҳон ассоциацияси аъзоси ва экспонатлари билан дунёдаги эътиборга sazovor музейлар сирасига киради.

Санобар ЖУМАНОВА,
«Ma'rifat» мухбири

В.ГРАНКИН олган
суратлар.

«ТЕМИР ТУЛПОР»ЛАР ТАРИХИ



билан ҳам фарқланади. Музейни айланаётганда баҳайбат поездларнинг шовқини қулоқларингизга эшитилгандай бўлади. Филдираклар юрган йўллари, борган жойлари тўғрисида "гапириб" бераётгандай, гўё.

Эътиборни тортувчи яна бир жиҳат шундаки, музей ҳудудида махсус поезд қатнови орқали меҳмонлар учун қизи-



Ma'rifat

ТА'СИС ETUVCHILAR:

Ўзбекистон Xalq ta'limi vazirligi, Ўзбекистон Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, Ўзбекистон Ta'lim va fan xodimlari kasaba uyushmasi Markaziy Kengashi.

Bosh muharrir:
Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Jumanazar BEK-NAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV, Xurshid DO'STMUHAMEDOV, Bahodir JOVLIYEV (bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Akmal ISLOMOV (mas'ul kotib), Mahmuda MURZAYEVA, Elshod NABIYEV, Husan NISHONOV (bosh muharrir o'rinbosari), Nurlan USMONOV (bosh muharrir o'rinbosari, "Учитель Узбекистана"), Aleksey CHUKARIN (mas'ul kotib, "Учитель Узбекистана"), Sa'dulla HAKIMOV

Gazeta
Ўзбекистон Matbuot va axborot agentligida № 0067 raqam bilan ro'yxatga olingan.

INDEKS: 149, 150, G-722.
Tiraj 27788.
Hajmi 4 bosma taboq.
Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3.

Naybatchi muharrir:
Nargiza IBROHIMOVA.
Naybatchi:
Behzod FAZLIDDINOV.

«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga yuborilgan materiallar muallifga qaytarilmaydi.

belgisi ostida reklama materiallari beriladi.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent,
Matbuotchilar ko'chasi, 32.

E-mail: info@marifat.uz
Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib — 233-99-15, umumiy o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-53-16, fan, oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-54-26, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda
erkin narxda

Dizaynerlar
Liliya BINASHEVA,
Malohat TOSHOVA.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksionerlik kompaniyasi bosmaxonasi.

Korxonalar manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy

Bosishga topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 22.15
Yil якуни — 22.00